



Тинчлик ва соғлик - инсон ҳаёти учун энг керакли неъматдир. Бу икки йўналиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим негизлари этиб белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси асосида соҳа босқичма-босқич такомиллаштириб келинмоқда. Айни пайтда Қашқадарё вилоятида 300 дан ортиқ давлат, 622 та хусусий тиббиёт муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

2022 йилда Инвестиция давлат дастури доирасида 12 та, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастури доирасида 12 та, Президент ташифи доирасида берилган топшириқлар бўйича 19 та тиббиёт муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Яъни жами 43 та тиббиёт муассасасида 170,238 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Нишон ва Косон туманлари тиббиёт бирлашмалари бинолари тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилмоқда.

2022 йилда 2 та оилавий поликлиника, 8 та оилавий шифокор пункти фаолияти қайта тикланди. Косон туманида эндокринология бўлими ташкил этилди, Чирокчида ҳам бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда.

3 та худудда - Шахрисабз шаҳри, Ғузор ва Касби туманларида туманлараро қўшма шикастланши ва ўткир қон томир касалликлари маркази фаолияти йўлга қўйилди. Улар энг ноёб тиббий ускуналар билан таъминланди. Хусусан, бу марказларда иш бошлаган гемодиализ бўлимларида беморлар учун катта қулайлик яратди.

"Қишлоқ шифокори" дастури асосида олис ва чекка худудлар 11 нафар олий маълумотли шифокор билан таъминланди. Уларнинг ҳар бирига 30 миллион сўмдан рағбат пули тўлаб берилди. Олис худудларда шифокорлар учун 7 та хизмат уйи ташкил этилди.

Соҳада ракамлаштиришга алоҳида эътибор қаратаётгани тиббиёт ходимлари ва беморлар учун катта имкониятлар яратмоқда. Тизимдаги 222 та муассасага оптик толали кабель киритилган ва юқори тезликдаги интернет билан таъминланган. Тизим ходимлари компьютер саводхонлиги бўйича ИТ-марказларда ўқитилмоқда. Тиббиёт муассасаларида босқичма-босқич "Электрон поликлиника", "Электрон ҳужжат алмашинуви" тизимлари йўлга қўйилмоқда. Республика ихтисослаштирилган радиология ва онкология ҳамда эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказлари вилоят филиаллари сингари бир қатор муассасаларда "Электрон шифохона" тармоғи ишлатгани беморларимиз учун катта қулайликлар яратди.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 24 мартдаги фармойиши билан тасдиқланган "йўл харитаси" асосида ишни қандай ташкил этиш бўйича аниқ йўналишларни белгилаб берди. Вилоятимизда "Йўл харитаси" ижросини, энг аввало, пилот худудлар сифатида Чирокчи тумани ва Қарши шаҳри, сўнг бутун Қашқадарё вилояти миқёсида намуна сифатида кўрсатиш кўзда тутилди.

Шу мақсадда 2022 апрель ойидан бошлаб Соғлиқни сақлаш вазири Бехзод Мусаев, Президент

маслаҳатчисининг ўринбосари Лазиз Тўйчиев раҳбарлигида вазирлик мутасаддилари ҳамда республиканинг барча ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари вакиллари билан иборат 150 кишидан ортиқ гуруҳ бевосита амалий ёрдам учун вилоятга келиб жуда кенг миқёсдаги соғломлаштириш акцияси ташкил этилди.

Акция давомида жами 10 минг

101525 нафар бўлиб, жами аҳоли сонига нисбатан 34,1%, туғиш ёшидаги хотин-қизлар 87373 нафар бўлиб, жами аҳоли сонига нисбатан 25,8%ни ташкил этади.

Туман аҳолисига туман марказий шифохонаси (250 ўринли), туман марказий поликлиникаси (900 қатновга), юқумли касалликлар шифохонаси (95 ўринли), болалар шифохонаси (90 ўринли), туғруқ комплекси (80 ўринли), Алачабоб қишлоқ участка шифохонаси (30 ўринли), 1 та фтизиатрия диспансер, ДСЭОМ, 7 та ОП, 8 та ОШП тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Косон туман тиббиёт бирлаш-

га методик ёрдамни ташкил қилиш бўлими билан ҳамкорликда белгиланган тартибда соғлиги тўғрисида хулоса берилди.

Косон тумани 15,16,17 ёшли балогат ёшига етмаган ўсмир қизларни турмушга беришни олдини олиш борасида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб – ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари ҳамда маҳаллаларда «Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом оилани шакллантириш», «Соғлом турмуш тарзи», «Эрта никоҳларнинг салбий оқибатлари» тўғрисида ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш ва бу борада «Соғлом оила» тарбиявий маърифий лойиҳасини доимий равишда амалга оширилди. Ту-

САЛОМАТЛИК - БУЮК НЕЪМАТ

331 нафар бемор кўриқдан ўтказилди. Шундан 1507 нафари оператив давога муҳтож деб топилди. 102 нафарида акция жараёнида жаррохлик амалиёти ўтказилди. Бу

масида жами 278 нафар шифокор, ўрта тиббиёт ходимлари - 1968 нафар, 664 та, кичик тиббиёт ходими, 224 та бошқа турдаги ходимлар, 6 нафар фармацевт ва 5 нафар провизор ишламоқда. Жами 278 нафар шифокордан жами олий тоифали шифокорлар - 82 та биринчи тоифали - 37 нафар, иккинчи тоифали 18 та, жами 1946 та ўрта тиббиёт ходимларидан олий - 138 та, биринчи - 157, иккинчи - 280 та тоифали тиббиёт ходимлари иш фаолиятини олиб бормоқда.

2023 йил давомида 0 – 18 ёшгача 101525 нафар болалардан жами 46017 нафар болалар, яъни 45,3% чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Тиббий курик натижасида 19870 нафарида яъни 43,1% турли хар хил касалликлар аниқланди. Аниқланган касаллар амбулатор ва стационар шароитда соғломлаштирилмоқда.

2023 йил давомида болаликдан ногиронлиқни олдини олиш, ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш мақсадида 2307 нафар ҳомиладор аёллар КТМП Скрининг хонасида текширувдан ўтган. 2022 йил 5 ой давомида 14 ҳафтагача 2133 нафар аёл ҳомиладор билан ҳисобга олинган, шундан 2133 нафар ҳомиладор аёл, яъни 100,0% УТТ текширувдан ўтган.

2023 йил давомида жами "Соғлом она - соғлом бола", мавзусида ўтказилган давра суҳбатидида "Соғлом турмуш тарзи йўналишлари", мавзуларида давра суҳбати ўтказилди. "Ёшлар ўртасида тамаки чекиш", "Алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш", "Гиёҳвандлик, ахлоқсизликнинг зарарли оқибатлари ва уларни олдини олиш" мавзуларида мактаб ўқувчилари, коллеж, лицей талабалари ва маҳалла аҳолиси ўртасида 95 та маъруза, 15 та суҳбат ўтказилди.

Косон туманида 2023 йил давомида вояга етмаганлар, уларнинг ота – онаси ёки ота – она ўрнини босувчи шахслар ўртасида санитария гигиена билимларини ошириш мақсадида маҳаллаларда, коллеж, мактабларда 45 та маъруза ўқилган.

Ихтисослаштирилган ўқув ҳарбий муассасаларига юборилаётган вояга етмаганларга Косон туман Халқ таълими ходимлари-

манда 2023 йил давомида 70 маҳалла, 2 коллеж, 1 та касб ҳунар мактабида жами 77 та маъруза ва суҳбат ўтказилган.

2022 йил давомида "Саломатлик мактаби" фаолияти бўйича ўтказилган "1 ёшгача бўлган болаларни овқатланиши", "Ботулизмни олдини олиш", "3-4 ёшли болалар овқатланиши", "Вирусли гепатит «А»ни олдини олиш", "Қамқонлик олдини олиш", "Ўсмирлар репродуктив саломатлиги", "Бўқоқ касаллигини олдини олиш", "Профилактик эмлашнинг аҳамияти", "Бутун жаҳон силга қарши курашиш", "Гижжа касаллигини олдини олиш", "Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари", "Бутун жаҳон чекишга қарши курашиш ҳафталиги", "Тиббий кўриқнинг аҳамияти", "Жисмоний фаолликнинг аҳамияти", "Ҳаво

ди. Асл саломатлик байрамига айланган бу каби тадбирлар тиббиётни халқимизга яқинлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Косон туман Майдаёбу оилавий шифокорлик пунктида 2023 йил 24 март кунида ташкиллаштирилган сайёр тиббий кўрик ташкил этилди.

Косон туман тиббиёт бирлашмаси ва вилоят мутахассисларидан кардиолог, окулист, лор, невропатолог, нейрохирург, УТТ мутахассиси, врач лаборант, ЭКГ мутахассиси ва ОШП тиббий ходимлари томонидан сайёр тиббий кўрик амалага оширилди. Жами 257 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилди.

Косон туман тиббиёт бирлашмасида, Республика травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти профессорлари, малакали травматолог шифокорлари билан телемедицина орқали 14 нафар беморларга онлайн консултация, туман травматологлар билан фикр алмашилиб беморларга тўғри йўналиш берилди ва уларнинг узокларини яқин қилиб ортиқча оворагарчиликлар олди олинди.

Косон туман аҳолисига травматологик хизмат яхшилаш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси травматология бўлимида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали мутахассислари билан биргаликда юқори технологияли операциялардан йирик бўғимлар артроскопик операциялари йўлга қўйилди.

Туман тиббиёт бирлашмаси қошида гемодиализ бўлими очилиб, 3 та гемодиализ аппарати ўрнатилиб, ҳозирги кунда гемодиализга муҳтож беморларнинг 26 нафари навбат билан гемодиализ муолажаларини олмоқда.

Туман тиббиёт бирлашмасида 10 ўринли наркологиya бўлими фаолияти йўлга қўйилган.

Жорий йилда ҳам амалга оширилаётган ишларимиз талайгина. Хусусан, туман тиббиёт бирлашмаси Гемодиализ бўлимини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида филтёр қўйиш, туман тиббиёт бирлашмаси Травматология бўлимида Юқори технологияли операция артроскопия аппарати олиниб, йирик бўғимлар артроскопик операцияларини йўлга қўйиш, туман тиббиёт бир-



– томчи йўллари орқали юқадиган юқумли касалликлар профилактикаси", "Зарарли одатларнинг олдини олиш", "Мактаб ёшдаги болалар кун тартиби ва овқатланиши", "Кун тартибининг аҳамияти", "Репродуктив саломатлик", "Жинсий йўл орқали юқадиган касалликлар профилактикаси", "Соғлом овқатланиш тамойиллари", "Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш" мавзулар бўйича 15 та тарғибот – ташвиқот ўтказилган, шундан 75 маъруза, 179 та суҳбат ўтказилган.

Туманда ўтказилган "Саломатлик сайли"да малакали мутахассислар томонидан 500 дан ортиқ беморга зарур тавсия ва маслаҳатлар берилди.

Туман тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган тиббий кўриқларда аҳоли вакиллари пойтахт ва вилоят марказидан келган ҳамда маҳаллий тор соҳа мутахассислари хизматидан баҳраманд бўлиш-

лашмаси мутахассисларини чет элга малакасини ошириш ва туман тиббиёт бирлашмаси моддий техника базасини яхшилаш, туман тиббиёт бирлашмаси шифохонасидаги 4 та операцион блок мавжуд бўлиб ушбу операцион блокларни замонавий тиббий аппаратлар билан таъминлаш шулар жумласидандир.

Суҳбат сўнггида юртдошларимизга тилакларингиз ёки мурожаатингиз бўлса йўлланшингиз мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб «12 – май – Халқаро ҳамширалар куни» муносабати билан барча ҳамшираларни муборакбод этаман! Ҳамширалар шундай касб вакиллари-ки, уларнинг фаолияти ҳар бир инсоннинг ҳаёти учун зарур ва фойдали ҳисобланади. Заҳматли ва машаққатли, аммо шарафли ишларида доимо омад ёр бўлсин!

Шоҳишта НИЁЗОВА
тайёрлади

Транспорт воситаларининг ҳайдовчилари темир йўлларни фақат темир йўл кесишмалари орқали поезд (локомотив, дрезина)ларга йўл бериб кесиб ўтишлари лозим.

Темир йўл кесишмасига яқинлашиб уни кесиб ўтмоқчи бўлган ҳайдовчи кесишма навбатчисининг кўрсатмаларига, светофорлар ишораларига, йўл белгиларига, йўл чизиқларига, шлагбаум ҳолатига амал қилиши ва яқинлашаётган поезд (локомотив, дрезина) йўқлигига ишонч ҳосил қилиш шарт.

Қуйидаги ҳолларда темир йўл кесишмасига кириш таъқиқланади:

Светофор ишорасидан қатъи назар, шлагбаум ёпиқ турган ёки ёпила бошлаган ҳолатда, кесишмани тўсувчи қурилма кўтарилиб турган ёки кўтарила бошлаган ҳолатда;

шлагбаумнинг ҳолатидан ва бор-йўқлигидан қатъий назар светофорнинг таъқиқловчи ишорасида; кесишма навбатчисининг таъқиқловчи ишорасида (навбатчи

ҳайдовчига олди ёки орқаси билан туриб жезлни, қизил чироқ ёки байроқчани юқорига кўтариб тур-

маган қишлоқ ҳўжалиги, йўл қурилиши, қурилиш ва бошқа машина ҳамда механизмларни кесишма

соатига 8 километрдан кам бўлган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши таъқиқланади.

Кесишма орқали ҳаракатланиш таъқиқланган ҳолларда ҳайдовчи тўхташ чизиги, 2.5 йўл белгиси ёки светофор олдида, улар бўлмаганда шлагбаумга камида 5

метр, шлагбаум бўлмаганда эса биринчи темир йўл изига камида 10 метр қолганда тўхташи керак.

Темир йўл кесишмасида мажбуран тўхтаб қолган транспорт воситасининг ҳайдовчиси дарҳол одамларни тушириш ва кесишмани бўшатиш чораларини кўриши;

Шу билан бир вақтда ҳайдовчи:

имконияти бўлганда, яқинлашиб келаётган поезд машинистига тўхташ ишорасини бериш қоида-

сини тушунтириб, икки кишини темир йўл ёқаси бўйлаб иккала томонга 1000 метр масофага (агар бир киши бўлса — уни йўл яхши кўринмайдиган томонга) юбориши;

транспорт воситаси ёнида қолиши ва умумий хатар ишорасини бериши;

поезд кўринганда тўхташ ишорасини бериб, у келаётган томонга югуриши керак.

Тўхташ ишораси қўлни (кундузи ёрқин мато парчаси ёки аниқ кўринадиган бирор нарса билан, тунда эса машъала ёки чироқ билан) гир айлантериш орқали берилади.

Битта узун ва учта қисқа товушли ишоралар умумий хатар ишораси ҳисобланади.

О.КУРБАНАЗАРОВ,
“Ўзтемирийўлназорат”
инспекцияси Қашқадарё
худудий шўъбаси бошлиғи
Б.ШОДМАНОВ,
Қашқадарё темир йўл таъмирлаш корхонаси бошлиғи



са ёки қўлларини ёнга узатса);

агар кесишмадан кейин, ҳайдовчини кесишмада тўхташга мажбур қиладиган тирбандлик пайдо бўлса;

агар кўриниш чегарасидаги масофада кесишмага поезд (локомотив, дрезина) яқинлашаётган бўлса.

Бундан ташқари: кесишма олдида турган транспорт воситаларини қарама-қарши ҳаракатланиш бўлагига чиқиб айланиб ўтиш;

шлагбаумни ўзбошимчалик билан очиш;

транспорт ҳолатига келтирил-

орқали олиб ўтиш;

темир йўл дистанцияси бош-

лиғининг рухсатисиз тезлиги

ИЖОДНИНГ ТОТЛИ ЗАВҚИ

Вилоятимизнинг истеъдодли ижодкорларидан бири, Деҳқонобод туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактабининг маданӣ —ижодий ишлар тарғиботчиси, педагог-шоир ва публицист, Халқ таълими аълочиси, Антик дунё илмий академиясининг фахрий профессори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Абдурасул хожии Раҳимов 70 ёшга тўлди. Шу муносабат билан вилоят ёзувчилар уюшмаси ҳамда 31-мактаб маъмурияти ҳамкорликда фидойи инсон мураббий ижодкорнинг юбилейи 31-ўрта таълим мактабида кенг нишонланди.

Маънавий-маърифий тадбирда ижодкорлар, шоирнинг сафдошлари, шогирдлари, ОАВ ходимлари илм маскани ўқувчи ва ўқитувчилар жамоаси ҳамда ота-оналар иштирок этишди.

Тантанада сўзга чиққан 31-мактаб директори Абдухалил Жовлиев умрини маърифат ва ижодга бағишлаб келаётган жонқуяр устознинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида гапириб, Абдурасул Раҳимовни 70 йиллик юбилейи билан муборакбод этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг раҳбари Фулмон Абдиев сўзга чиқиб, шоирни табаррук ёши билан қўлаб, шоир ижоди ҳақида самимий фикрларни билдирди, шеърят ва публицистикасининг ўзига хослигини таъкидлаб ўтди. Юбилей санаси арафасида Абдурасул Раҳимовнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинганлиги ҳақида хушхабарни айтиб, шоирни вилоят ёзувчилар уюшмасининг ташаккурномаси билан тақдирлади. Шундан сўнг тадбирда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Ҳамид Ҳожиқулов, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмасининг аъзоси, публицист ва адиб Сафо Омонов, Абдурасул Раҳимовнинг курсдоши Фарғоналик шоир ва журналист Қосимжон Солиев, Бухоролик курсдоши шоир Абдухалил Раззоқов, Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳҳор Раҳимов, шоир Карим Тошқулов, вилоят ёзувчилар уюшмаси бош мутахассиси Элбой Қулманов, Амир Темур хайрия жамғармасининг етакчи мутахассиси Гулчехра Амиркуловлар сўзга чиқиб, Абдурасул Раҳимовнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида ёш авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшганлиги, шунингдек, бадиият оламида кўплаб шеърый ва насрий асарлар яратиб, толмас ижодкор сифатида ҳам эҳтиромга лойиқлигини алоҳида таъкидлашди.

-Деҳқонободнинг Курдахна қишлоғида туғилиб вояга етган шоирнинг “Сени кутиб яшайман”, “Кўнгилларим-қуйларим”, “Хуш келибсан баҳорим”, “Қалбим қўшиғи”, “Тангхиярам садоси”, “Садоқат мадҳи”, “Амалнинг сояси” ҳам муаллифликда каби ўнлаб китоблари ўқувчиларга манзур бўлган. Унинг шеърларида Деҳқонободнинг қиру адирликлари, тоғлик одамларнинг тантиликлари, Ватан манзаралари ёниқ мисраларда ифодаланади. Яна шоир шеърларида қадимий фольклорнинг руҳи жозибаси акс этиб туради, - дейди ижодкор Элбой Қулманов.

Тадбир давомида устознинг ёш шоирлари, шоирнинг шеърларидан намуналар айтиб бердилар. Тошкент шаҳридан таширф буюрган соҳир овоз соҳиби Исоқ Норчаевнинг Абдурасул Раҳимовнинг шеърларига қуй басталаб айтган қўшиқлари, иқтидорли бахшилар Мухаммади Даминов, Маҳмаражаб Хусанов, маҳаллий санъаткорлар Ҳасанали Бозоров, Шавкат Амировларнинг чиқишлари йиғилганларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

Ижодий кеча якунида Абдурасул Раҳимов билдирилган яхши тилаклар учун миннатдорчилик билдириб, янги шеърларидан намуналар ўқиб берди. Меҳмонларга дастурхон безалиб, ош тортилди.

Бу ижодий кеча инсон қадри улуғланган, инсонпарварлик тамойиллари устувор Янги Ўзбекистондаги улуғвор сазй-ҳаракатларнинг яна бир намоиши бўлди десак айни ҳақиқатдир.

Усмон КЎЧКИНОВ,
Деҳқонобод туман маданият бўлими
маданӣ-маърифий ишлар бўйича бош
мутахассиси, театршунос

ИНСОНИАТ ТАРИХИДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШГА ҚИЁС

Одамлар ҳисобини юритиш ама-лиёти илк бор милoddан аввалги 3-минг йилликдан бошланган. Бу жараён дастлаб Осиё ва Африка давлатлари, Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой ва Японияни қамраб олган. Бу ислохотдан кўзланган мақсад солиқ тўловчилар ва аскарликка яроқли аҳоли сонини аниқлаш бўлган. Илк ўрта асрларда мазкур тартибот бирмунча такомиллашган. Аҳолини ҳисобга олиш элементлари ҳўжаликларнинг ёзма китоблар, кадастрлардаги тавсифлари билан уй-ғунлашган. Уларда одамлар ёки оилалар эмас, балки уй-жой каби солиққа тортиш бирликлари биринчи ўринга қўйилган. Финляндияда XVI асрнинг ўзиданоқ аҳоли сони рўйхатини олиб боришни бошлашган. Давлатнинг мақсади биринчи ўринда солиққа тортиш ва ҳарбий хизматга чақириш билан боғлиқ бўлган. Уша даврда Швеция, ўзининг шарқий

қисми бўлган Финляндияни қўшганда ҳам аҳолиси кам, камбағал давлат эди. Шу сабабли ҳам йирик йирик маъмурий аппарат ва армияни сақлаб туриш учун ҳарбий хизматга мажбур бўлган ва солиққа тортиладиган аҳоли ва унинг мулки тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш лозим эди. Аҳолини рўйхатида жойлашган ва бутун Финляндияни ўз ичига олган ахборот таркиби ўзининг кенг қамровли эканлиги билан ажралиб туради. Ахборот базаси мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ҳақидаги аниқ ва эътиборга лойиқ маълумотларни ўз ичига олади. Фуқаро тўғрисидаги энг муҳим маълумот унинг исми ва фамилияси, туғилган жойи ва санаси, ҳамда фуқаролигидир. Шунингдек, фуқаронинг оилавий аҳволи (турмуш ўртоғи, фарзандлари ва ота-онаси) ва яшаш жойи тўғрисидаги маълумот ҳам муҳимдир. XVIII аср ўрталаридан аҳолини ўрганишга қизиқиши ортади. Австрия, Голландия, Да-

ния, Испания, Япония, Америкада одамлар ҳисобини юритишга киришилади. Бироқ бу ҳисоб-китоблар бутун бошли аҳолини қамраб ололмаган. Аҳолини универсал рўйхатга олиш 1665 йилда Янги Франция (Квебек) колониясида бўлиб ўтди. АҚШда 1790 йилда тўлиқ аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилди. Ушанда ўн етти нафар полиция ходими мамлакат бўйлаб саёҳат қилиб, хонадонма-хонадон юриб, олтита саволга жавоб тўплашди: уй эгасининг тўлиқ номи, ўн олти ёш ва ундан катта ёшдаги озод оқ танли эркеклар сони, ўн олти ёшдан кичик бўлган озод оқ танли эркеклар сони, озод оқ танли аёллар сони, бошқа озод шахслар сони, куллар сони. Ўттиз йил ўтгач, Италия, Испания, Англия, Ирландия, Австрия, Францияда рўйхатга олиш вақти келди.

Ш.БУРХОНОВА,
Қашқадарё вилоят Статистика
бошқармаси «Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш»
бўлими етакчи мутахассиси

«ПОЗИТИВЛИК-ЯНГИ ДАВР ТАЛАБИ» АКЦИЯСИ ДОИРАСИДА

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш психологик-педагогик Республика таъхис марказининг 2023 йил 3 майдаги 01/10-01-102 -сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида Республика умумтаълим мактабларида «Позитивлик-янги давр талаби» акцияси доирасида 5-20 май кунларида «Саломатлик ойлиги» тадбирлари кўтаринки кайфиятда ўтказилмоқда.

Шу жумладан, Шаҳрисабз шаҳар 20- ва 22-мактабларда ҳам ушбу акцияга яхши тайёргарлик кўрилди ва кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Мавзуга оид расмлар, плакатлар, кўргазмалар тайёрланди. Мақсад: боланинг ҳаёти учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шахс сифатида баркамол ривожланиши, таълим муҳитида ўқувчиларнинг психологик саломатлигини мустаҳкамлаш ва сақлаш борасидаги ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаш.

Акцияда ўқитувчилар, ўқувчилар ҳамда ота-оналар иштирокчи сифатида қамраб олинади. Акцияни ўтказиш учун тузилган иш режа асосида мактабларда иштирокчилар билан «Ҳаётимдаги энг бахтли куним», «Ўзингизни англа»», «Мактаб кайфияти», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз», «Синфга табассум беринг!», «Мен ҳавас қиладиган инсон» каби машғулотлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари барча синф ўқувчиларига «Соғлом турмуш тарзи ҳақида», «Самимий дўстлик», «Бахтиёр оила» мав-

зуларидаги видеофильмлар, ролик ва мультфильмлар намоиш этилди ва “Сизнингча, бу видеороликлар нима ҳақида? Унинг маъноси нима? Бу фильмни томоша қилиб, нимани тушундингиз? каби саволлар бериб, ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларига аниқлик киритилди. Бундан ташқари ўқувчилар



ёшига мос тарзда жисмоний тарбия эстафеталари ҳам ўтказилмоқда.Бундай акция ва тадбирларнинг ўтказилиши ўқитувчиларнинг касбий сўнишларини олдини олиш, ўқувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, мактабда байрамона кайфиятни яратиш, соғлом ва фаол турмуш тарзини тарғиб қилиш, иқтидорли болаларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дилноза КАРИМОВА,
Шаҳрисабз шаҳар 20-сонли мактаб психологи
Насиба БАРАТОВА,
22-мактаб психологи

МАШҚДА ҚИЙИН БЎЛСА, АМАЛДА ОСОН БЎЛАДИ

Содир бўлган ёнғинларни бартараф этиш жараёнларида баъзи вақтларда кутқарувчилар нафас олиш учун тутунли шароитда ишлашларига тўғри келади.

Бундай вазиятларда кутқарувчилар кислород тўлдирилган махсус баллонлардан фойдаланадилар. Бу эса ўз навбатида кутқарувчилардан юксак маҳорат, тажриба ва албатта етарли билимга эга бўлишни талаб этади.

Ана шу мақсадда бизнинг ишчи ходимлар ўртасида ҳам тутунли ҳавода тўғри ва аниқ ҳаракат қилиш бўйича махсус-тактик ўқув машғулотли ташкил этилди.

Унда кутқарувчилар тутунли хонада машғулоти ўтказиб ўз билим ва кўникмаларини амалда яна бир бор мустаҳкамладилар.

А.ДЖАЛИЛОВ,
Шуртан НГКЧБ БҲТТЭБ 38-ЁКҚ
смена бошлиғи, майор

КАСБ ВА ЁШЛАР

Ҳар бир инсон ўз фарзандининг дунёдаги энг намуна, илмли ва маънавиятли бўлишини орзу қилади. Шунга эришиш йўллари ахтаради. Бу йўлда тўғаноқ бўлган барча тўсиқларни енгиб ўтишга интилади. Аммо айрим оилаларда боланинг рисоладагидек инсон бўлиб етишувда тарбия биринчи восита экани эътибордан четда қолади. Инсоннинг маънавий ва ақлий хислатларини, асосан, унинг олган тарбияси, яшаган муҳити белгилайди, деб ҳисобланади. Оилада тўғри йўлга қўйилган тарбия мактаб таълими учун катта маддидир ва аксинча, оилада тегишли тарбия ишлари олиб борилмаса, бу ҳолда мактабдаги таълим-тарбия ишининг самараси паст бўлиб қолаверади.

Жорий йилнинг апрель-май ойларида Шаҳрисабз шаҳар 3-умумий ўрта таълим мактабининг 9-11-синф битирувчи ўқувчиларининг касбга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида «Касб ва ёшлар» шиори остида мактаб психологлари саёҳатлар ташкил қилишди. Ташкиллаштирилган тадбирларда 3-мактабда битирувчи ўқувчи ёшларни ота-оналари ҳам таклиф этилиб учрашувлар уюштирилди. Шу жумладан, Шаҳрисабз шаҳар касб-хунар мактаблари, техникумларга ҳамда шахримизда жойлашган олий таълим муассасаларига ўзларини қизиқтирган саволларга керакли даражада жавоб топишди ва ўз йўналишларини танлаб олишди.

А.РЎЗИЕВА,
М.ХУРРАМОВА,

Шаҳрисабз шаҳридаги 3-мактаб психологлари

Ўзининг ёки яқинларининг соғлиғида муаммо бор одамнинг тинчи бўлмайди. Безовталиқ, паришонхотирлик ҳукмрон бўлади. Беморни ўз вақтида даволаб жамиятга қайтариш эса бугунги кунда тиббиёт олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Дарвоқе, коронавирус пандемияси бизга юқумли касалликлар бўйича қилиниши керак бўлган ишларимизни кўрсатиб берди, десак муболаға бўлмайди. Шундан келиб чиқиб бугунги кунда санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан аҳоли саломатлиги йўлида қандай ишлар амалга ошириляётгани билан қизиқдик.

Са -
волларга СЭО

ва ЖС Қўмитаси Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи Тўхтамурод Пакиров қўйидагича жавоб берди:

- Ҳозирги кунда СЭО ва ЖС қўмитаси вилоят бошқармаси томонидан аҳоли саломатлиги йўлида 11 турдаги вакциналар билан 13 та касалликка қарши эмлаш ишлари ўтказилмоқда. Қолаверса бугунги кунда халқ саломатлиги, коронавирусга қарши Америка давлатида ишлаб чиқарилган Pfaizer-vaksiek вакцинаси билан эмлаш ишлари 12-18 ёшдаги болалар орасида 1-чи турга қарши ва сурункали касаллиги бор аҳоли қатлами 65 ёшдан катта ёшдаги нуронийлар ва тиббиёт ходимлари, ўқитувчи ҳамда тарбиячилар ўртасида коронавирус касаллигини олдини олиш мақсадида эмлаш ишлари олиб борилмоқда.

- Папиллома вирусига қарши эмлаш неча ёшдан қўлланилади?

- Бугунга қадар Миллий эмлаш календариди бўйича Ўзбекистонда болалар 12 турдаги бошқариладиган юқумли касалликларга қарши Давлат маблағи ҳисобидан профилактик эмланиб келинмоқда.

“ОПВ” (Одам папиллома вируси)га қарши вакцинанинг 13-эмлаш сифатида жорий қилиниши эса яна бир оғир касаллик — қиз болалар ва аёлларда бачадон бўйни саратони хасталигининг олдини олишга хизмат қилади.

2010 йилда мамлакатимизнинг бир неча вилоятларидан 8000 нафар қизлар ушбу вакцина билан эмланди ва улар диққат билан кузатилди.

Ҳозирда айримларининг оиласи ва фарзандлари бор. Ўтган даврда уларнинг репродуктив саломатлигида эмлашнинг ҳеч қандай ножўя таъсири ёки асорати кузатилмаган.

2019 йилдан бошлаб ушбу вакцина миллий эмлаш календарига киритилди ва қизлар Давлат маблағи ҳисобидан бепул эмланади. Натижада, Ўзбекистонда 2060 йилларга бориб аёлларнинг бачадон бўйни саратони билан касалланиш ҳолатларига барҳам берилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё миқёсида 370 мингдан ортиқ аёлда бачадон бўйни саратони биринчи бор қайд этилади, улардан 190 мингтаси ушбу касаллик оқибатида вафот этади. Дунёда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам бачадон бўйни саратони барча ёшдаги аёллар ўртасида кўкрак беи саратонидан кейинги ўринда турадиган ва кенг тарқалган саратон хасталиги ҳисобланади.

Касалликлардан ўлим кўрсаткичи бўйича эса, бачадон бўйни саратони барча ёшдаги аёллар ўртасида кўкрак беи ва ошқозон саратонидан кейин учинчи ўринда ва туғиш ёшидаги аёллар (15-44 ёш) орасида эса бачадон саратонидан ўлим кўрсаткичи бўйича иккинчи ўринда туради.

Маълумотларга кўра, ҳар йили Ўзбекистонда 1600 нафар-

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ҚАДРИ ВА МАНФААТИ УЧУН

зиёд аёл бачадон бўйни саратони касаллигига чалинмоқда. Одам папилломаси вирусига (ОПВ) қарши эмлаш эса аёлларда учрайди-



ган бачадон бўйни саратонининг олдини олишнинг самарали усулларида бири ҳисобланади.

Ўсмир ёшдаги қизларни режали эмлаш келгусида 1100 та касалланиш ҳолати ва бачадон бўйни саратони касаллигидан юзага келадиган ўлим ҳолатининг олдини олишга ёрдам беради.

ОПВ (Одам папиллома вируси) га қарши режали эмлаш 92 давлатда, улар орасида ЖССТ Европа минтақасидаги 36 давлатда ҳам қўлланиб келинмоқда. Эмлашнинг ба-

на кўп йиллардан бери қўлланиб келинаётган Давлатлар (Австралия, Канада, Дания, Ирландия, Швеция, Финляндия, Янги Зеландия, Шотландия, АҚШ) мисолида кўринган.

Таъкидлаш жоизки, жойларда Глобал вакцина ва иммунизация альянси ёрдамида қуриляётган музлатгичли омборларда вакциналар сифатли сақланади ва тарқатилади.

Дастлаб, вакцина Ўзбекистонга олиб келинган, босқичма-босқич 400 минг нафарга яқин 9 ёшли қизлар, тиббиётнинг бирламчи бўғинларида эмланди, сўнг эса улар иккинчи марта эмлаш билан қамраб олинади.

Шун

дай қилиб, папиллома вируси касалликларининг салмоғи юқори бўлиб, унинг олдини олиш учун самарадорлиги юқори ва хавфсиз бўлган одам папилломаси вируси вакцинаси билан эмлаш орқали бачадон бўйни саратони билан касалланишнинг камайишига эришилмоқда.

- Эмлашдан кейин салбий ҳолатлар юзага келиши мумкинми? Кимларга эмланишга рухсат этилмайди?

- Қиз бола организми эмлашдан олдин папиллома вируси билан касалланган бўлса ёки эмлашга келган пайтида ҳарорати бўлса, шунингдек, аллергия касалланган бўлса салбий ҳолатлар юзага келиши мумкин. Касаллик анамнезида (касалик тарихида) неврологик, аллергия ка-

салликлари бўлса эмланишга рухсат этилмайди.

- Папилломанинг келиб чиқиш сабаблари ва ундан уй шароитида қутулиш усуллари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

- Бўйиндаги папилломаларнинг сабабини дарҳол аниқлаш ҳар доим ҳам мумкин эмас, чунки бу жуда кўп нуқулайликлар туғдиради: улар яллиғланиши мумкин, кўпинча тор бўйинли кийим кийишга халақит беради, одатда битта нуқулай ҳаракат билан ҳам қон кетиши хавфи мавжуд ва буларнинг барчаси хавфли оқибатларга олиб келади. Бироқ улар тўғри олиб ташланса, муаммодан абдий қутулиш мумкин.

Папиллома терида дастлаб кичик

Тиббиётдаги ислохотлар

бўлиши мумкин, аммо вақт ўтиши билан у ўсади, бу эса уни тасодифий шикастланиш хавфини оширади.

Ушбу касалликнинг нима учун пайдо бўлишини тушуниш учун унинг асосий манбаи ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш керак. Муаммо фақат организмда инсон папиллома вируси (HPV) бўлса юзага келади. Кўпинча улар контакт-уй усули деб аталадиган усул билан юқади: инфекцияланган тери, чойшаб, бошқа одамларнинг шахсий гигиена воситалари билан алоқа қилиш орқали. Кичкина бола боғчада ўйинчоқлар ва бошқа умумий нарсалар билан алоқа қилиш орқали ушбу вирусни юқтири-

ши одатий ҳол эмас.

Бўйиндаги папилломалар нимага олиб келади?

ОПВ билан касалланган беморнинг организмида нуқсонлар пайдо бўлишига таъсир қилувчи асосий омиллар қуйидагилардир:

- иммунитетнинг пасайиши;
- терининг механик шикастланиши;
- қон микроциркуляциясининг бузилиши;
- гормонал касалликлар (аёллар айниқса ҳомиладорлик пайтида, менопауза пайтида хавф остида);
- гигиена қоидаларига риоя қилмаслик;
- асабий зўриқиш ва стресс;
- овқатланиш бузилиши (ўткир, ёғли овқатларни истеъмол қилиш);
- ёмон одатлар (спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш, чекиш);
- ошқозон-ичак касалликлари;
- тери аллергиялари.

Махсус хавф гуруҳига таналарида кўп микдордаги сепкиллар, тери ор-

тиқлиги ёки холлари бўлган одамлар киради. Шунингдек, қуйидаги одамлар хавф остида:

- узоқ вақт давомида антибиотикларни қабул қилиш;
- қандли диабет билан касалланган;
- семиз;
- табиий ёки сунъий куёш нурида тобланиш.

Папилломалар безарар бўлса-да, уларнинг танада пай-

до бўлишига йўл қўймаслик яхшироқдир. Муаммонинг хавфини камайтириш учун оддий тавсияларга амал қилиш кифоя.

1. Иммунитет тизимига ғамхўрлик қилиш: етарлича уйку, гипотермияга йўл қўймаслик, рационни С витаминига бой соғлом мева ва сабзавотлар билан бойитиб ва спиртли ичимликлар ичмаслик;

2. Рационга антисептиклар деб аталадиган маҳсулотларни киритиш ва ҳар куни пиёз ва саримсоқни истеъмол қилиш;

3. Авитаминозга йўл қўймаслик, йилига камида икки марта витаминлар қабул қилиш;

4. Энг оддий гигиена қоидаларига риоя қилиш, хавфли микробларга бой бўлган жамоат душлари ва бошқа жойлардан фойдалангандан сўнг ҳар доим антисептик билан қўлларни тозалаш;


5. Тери устида пайдо бўлган шикастларни имкон қадар тезроқ дезинфекция қилишни унутмаслик.

Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Шоҳиста НИЁЗОВА
суҳбатлашди

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ВА АМАЛИЁТ

Маълумки, порлоқ истиқболга кўз тиккан ҳар бир ота-она сингари жонкуяр педагог мураббийлар ҳам баркамол авлод орзуси билан яшайди. Мамлакатимизда замонавий фикрлайдиган юксак билим кўникма ва малакага эга тегишли соҳа ривожига муносиб ҳиссасини қўшишга қодир кадрларни тайёрлаш, бу мақсадга эришиш учун янада сифатли ва қулай таълим жараёнини ташкил этиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу борада Қарши Давлат университети математика ва компьютер назарияси факультети математика ва информатика йўналиши 3-босқич 02082-гуруҳ талабалари Қарши шаҳридаги 15 умумий ўрта таълим мактабида малакавий амалиёт олиб бормоқда. Малакавий амалиётга алгоритмлар ва дастурий технологиялари кафедрасининг доцентлари, педагогика фани номзодлари раҳбарлик қилиб, дарс жараёнлари интерфаоллик ва тақдирот материаллари асосида олиб борилмоқда. Амалий дарсларда “Ассисменти”, “Кубик”, “Плюс-минус”, “Крассворд” каби бир қатор усул ва технологиялардан фойдаланилади. Дарсларда кафедра ўқитувчиси Дилфўза Саидова иштирок этиб, жараёнлар бўйича тавсиялар бериб бормоқда. Мактабда олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирларда ҳам амалиётчи талабалар фаол иштирок этмоқдалар. Дарс жараёнининг технологик харитаси таълим-тарбия ва ривожлантирувчи мақсадлари таълим самарадорлигини оширишга қаратилган. Талабаларга технологиялардан фойдаланиш самаралари ҳақида услубий тавсиялар бериб келинмоқда. Талабаларнинг амалиёт давридаги самарали фаолиятлари халқимиз учун етук касбий малака ва педагогик маҳоратга эга бўлган мутахассис кадр бўлиб етишишлари ва баркамол авлод тарбиясида фаол иштирокчиси бўлишлари учун замин ҳозирлайди. Талабаларни университетдаги юксак билим, салоҳиятига эга ўқитувчилардан олган билимлари малакавий амалиёт дарсларида сифатли таълимга эътибор қаратишларини ўз олдларига қўйган орзулари сари интилишларига ишончим комил.



Нодира БЕГМАТОВА,
Қарши давлат университети алгоритмлар ва дастурлаш технологиялар кафедраси доценти

ЭРТАКЛАРНИНГ НУРЛИ ОЛАМИ

Ёш авлод тарбияси ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Болаларнинг эндигина ниш ураётган орзумидларини қўллаб-қувватлаш учун ўқитувчининг ўзига ҳам талаб этмоқда. 2023 йил 2 май кунини маънавий ва маданий салоҳиятини бойитиш мақсадида 4 синф ўқувчилари ўртасида “Эртактлар яхшиликка етаклар” мавзусида 4 шарт бўйича беллашув тадбири бўлиб ўтди. 1 шарт бўйича - Ўзбек халқ эртактларидан лавҳалар, 2 шартда - Қўшиқчи актёрларга тақлид, 3 шартда - Мақоллар айтишуви, 4 шартда



маънавий руҳий қўллов зарур бўлади. Ўқитувчи ўз фанининг етук билимдонни бўлиш билан бирга, ўқувчиларни фанга қизиқтира оладиган кучли воиз, донишманд етакчи ҳам бўлиши зарур. Таълим соҳасидаги ўзгаришлар сифатли таълимга қаратилаётган эътибор, Қарши шаҳар 25 мактаб ўқитувчилари дарс жараёнларига ҳам янги-ча руҳ, юксак билим салоҳият

– Аниқ фанлар асосидан савол-жавоблар бўйича ўзаро куч синишди. 4 синфлар аро ўтказилган бу тадбир болажон ўқувчиларни эртактлар ҳақрамонларини қиёфаларини ўта ҳаққоний ижро этишлари, қўшиқчи актёрларга меҳр ва ҳавас билан тақлид этишлари, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ўзбек ва жаҳон халқ мақолларини, аниқ фанлар асосида берилган саволларга тез-тез

кор аниқ жавоб беришлари мактаб раҳбариятини, ҳакам ва кузатувчи педагогларни хурмат эътиборларига сазовар бўлишди. Бундай тадбирлар ўтказилиши, ўлғаётган ёш авлод қалбида ватанпарварлик, инсонийлик, эл-юртга меҳр-муҳаббат туйғулари мустаҳкамланиб борадидеки мактаб маънавият ишлари бўйича раҳбари. Ўқувчиларни ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялаш, бошланғич синф ўқитувчилари зиммасига билим тарбияда кучли талабчанлик талаб этилади. Чунки мурғак қалб эгалари, ёшлиқдан олган билим тарбияларига илк устозларини меҳрига таяниб, улғайиб камол топади. Тадбир сўнггида 4 синф ўқувчилари ўз маҳорат ижролари бўйича раҳбарият томонидан “Диплом”, “Фахрий ёрликлар” билан тақдирландилар.

Сарвиноз КАТТАЕВА,
Адиловат ЖАЛИЛОВА,
Дилноза ШАХМУРОВА,
Қарши шаҳар 25-мактаб бошланғич синф ўқитувчилари

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БОШ МАҚСАДИМИЗ

Дунёдаги бугунги ривожланган мамлакатлар тажрибасига назар солсак, тарихнинг мураккаб давларларида ҳам энг катта сармоя таълимга йўналтирилганлигига гувоҳ бўламиз. Кейинги йилларда таълим тизимидаги ислохотлар жадал тус олди ва бу борада фармонлар, қарорлар қабул қилинди. 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” ном берилганлиги таълим соҳасида улкан ишлар изчил давом эттирилмоқда. Қарши шаҳар 26 мактабда ҳам сифатли таълимга қаратилаётган эътибордан руҳланиб, ўқувчиларни чуқур билим олишларига эътибор қаратилган. Мен Яқубов туманида туғилиб, оиламиз билан Қарши шаҳрига кўчиб келиб, 2015 йил шу мактабни тугатдим. Мактабни тугатган Қарши давлат университети қошидаги академик лицейда ўқидим, 2017 йил Қарши давлат университетининг физика математика факультетида тахсил олдим. 2022 йилда олий ўқув юртини тугатиб, ҳозирда устозларим қатори ўқувчи ёшларга таълим-тарбия беришда сифатли таълим йўналишида математика ва компьютер соҳасини мураккаб йўналишларида билим беришга ҳаракат қилмоқдаман. Кўп йил-

лик билим тажрибаларига эга устозларим Худойберди Соҳибов, Холида Жумаеваларни иш тажрибаларига таяниб ўз билим маҳоратимни, ўқувчиларни математика фанига қизиқишлари ортиб, мураккаб фан сирларини кунт билан ўрганишларига эътибор қаратмоқдаман. Ёшлар жамиятини ҳаракатга келтирувчи кучдир. Шу маънода бугунги янги Ўзбекистон юксак билимли замонавий фикрлайдиган, қатъий позицияга эга навқирон авлод мамлакатига, йигит – қизлар эса давлатнинг эртанги тараққиётида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораёпти-де яшонч билан айтиш мумкин. Дарс фаолиятим билан бирга сифатли таълимга қаратилаётган эътибордан руҳланиб, 2023 йилдан бошлаб ОНЛАЙН масофавий усули орқали ўқувчиларга билим беришга ҳам эътибор қаратяпман. Ундан ташқари инглиз тилини мукамал ўрганиб, ўз билимимни янада бойитмоқчиман. Ҳар томонлама, чуқур билимга эга бўлишимиз камолат сари етаклайди.

Азиза БУТАЕВА,
Қарши шаҳар 26-мактаб математика фан ўқитувчиси

ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҚДА

Бугунги кунда сифатли таълимга қаратилаётган эътибор ўқитувчиларга амалий очик дарс ташкил этишни ва ҳар бир фанга ўқувчиларни янада қизиқтира олиш маъсулиятини ҳам юклармоқда. Ҳар бир касб эгалари бўлиш ва шу соҳа бўйича етук шахс янгилик, илмий гоҳларга эга, дунё халқлари ўз урф одатлари бўйича янги дизайн чизмалар, тарихий обидалар, замонавий кўринишлари ихтиролар яратилиши талаб қилинаётган, янгиланаётган даврга гувоҳ бўлмоқдамиз. Мен Қарши шаҳридаги 25 мактабда технология фанидан ўқувчиларга дарс бериш билан бирга ҳар ойда юқори синф ўқувчиларига очик амалиёт дарслар ташкил этиб бормоқдаман. 2023 йил 3 май кунини 7-синф ўқувчи қизлари ўртасида “Текстил маҳсулотлари индустриясида ранглар жилоси” мавзусида очик дарс амалиёти

ўтказилди. Унда ўзбек миллий матоларимиз, пардалар, кўри-нишлари замонавий меҳмонхоналар ва уларни безаш усуллари, турли кийимларга дизайн янгиликлар бериб тикиш жиҳозлари ва мебелларни рангларига мослаб гилам диванлар жойлаштириш, янги-ча қуроқ-кашталарга ранг бериш, турли хил кўл бола ихтиролари яратиш ва уларни ўқувчи онгига сингдириш ҳамда аниқ тушунарли маълумот беришга ҳаракат қилдим. Очик тадбирда иштирок этган ва кузатувчиларни қизиқтирган саволларига етарлича жавоб беришга ва бу соҳага қизиқувчилар ортаётганидан фахр туйғусини туйдим. Шу нуқтаи назардан ўқитувчилар ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишга доир билим ва кўникмаларининг етар-

ли бўлишига катта аҳамият қаратмоқда. Шубҳасиз, таълим жараёнига янги технологиялар киритиш зарур. Янги технологияларга мулоқот жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш воситаси си-



фатида ишлатиш имконини бери-ди. Янгиланаётган замон билан ҳамнафас бўлиб яшаш биздан чуқур билим, изланиш талаб этади. Тадбир кузатувчилар Нафиса Соҳибова ва Сурайё Шаймонова-лар томонидан юқори баҳоланди.

Мунира ХУЖАЁРОВА,
Қарши шаҳридаги 25-мактаб технология фани ўқитувчиси

НУРЛАРГА БУРКАНГАН ВАТАН

**Мен ҳам ўтдим баҳор ўтган йўллардан,
Шабнам ичган тонглар ўпди кўнглимни.
Балки кўп нарсани унутдим бу дам,
Ватан, унутмадим бирор йўлингни.**

Дунёда юзлаб халқ ва миллат бор. Ҳар бир халқ ўзининг ота-боболари, тарихи ва ўтмиши билан инсоният деган жамиятга, унинг ривожига қўшган ҳиссасидан фахрланиб, мағрурланиб яшайди. Кунинча Қарши шаҳридаги 39-ДМТТИда “Хотира ва қадрлаш” кунига бағишланган “Хотира абадий” номли тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда 39-ДМТТ раҳбари Муҳайё Азизова таълиқ психолог Фотима Қурбонова, тарбиячи ва тарбияланувчилар иштирок этдилар. 9 май - Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан ўтказилган ижодий тадбирни Фотима Қурбонова иккинчи жаҳон уруши йилларида жангчиларимизни унутилмас жасоратининг тарбиявий аҳамиятига бағишланган маърузаси билан очиб берди. Айниқса, болажонлар мард ота-акаларини ўз жонларидан кечиб бўлсада, нурларга бурканган жасоратлари, мурғак қалбларига қувонч ватан меҳри юз-қўзларидан миннатдорликларини сезилиб турди. Жаҳми болажонлар Она ҳайкал пойига гуллар қўйишди. Болажонлар томонидан тайёрланган куй-қўшиқ, шеър ва рақслар тадбирга янада кўрк ва файз бағишлади. Ўғил болаларни ҳарбий кийимлари, чинакам ватан ҳимоячилари бўлишларига ишончлари янада мустаҳкамлангани уларнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатларидан сезилиб турди. Ҳунадек садоқат ва вафо тимсоллари бўлиш қизалоқларни рақслари барчага қувноқлик ҳадя этди. Тарих бизни ўша дахшатли йиллардан, қанчалик узоклаштириб боргани сайин уруш ҳақидаги муқаддас хотира шунчалик буюк, маънавий кучга айланиб боради. Ўз қаҳрамонлари хотирасини муқаддас билиб, эъзозловчи халқ буюк бўлишга, буюкман деб даъво қилишга муносибдир.



Зебо ПАРДАЕВА, Зилола РАЖАБОВА,
Қарши шаҳридаги 39-ДМТТ тарбиячилари

БУТУН ХАЛҚИМ БОЛАСИН...

Бағрикенг инсон ким? Илмлиси-чи? Маърифатпарвар, жонкуяр деганда кимлар кўз ўнгингизга келади? Албатта, ҳар бир инсон улғаяр экан ҳаётда ўз идеалини қидиради. Кимдандир ўргангиси, кимгадир ўхшагиси келади, ва кўп ҳолларда бу инсонлар ота, ўрнида она тимсоли жавоб қайтаради. Бирок... шундай инсонлар бўладики, улар миллат қайғуси билан яшайди. Ўз навбатида ардоқда ва ҳурматда бўлади. Отам Эргаш Шодмонов ана шундай инсон эди.

Отам ҳақида хотираларим жуда-жуда кўп. Ўрганганларим эса ундан ортиқ. Ўргана олмаганларим ҳам кам эмас. Кўп ҳолларда ёнингиздаги одамнинг ҳислатлари, қилган меҳнатлари, заҳматлари сизга билинмайди. Гўёки бу одатийдек... Аммо ана шу инсоннинг қадрини, қилган ишларининг нақадар кенгқўламли эканлигини кўп ҳолларда, у ўтгандан кейин англаймиз, фахллаймиз. Отам кўп ишларди. Тинимсиз меҳнат қиларди. Балки биз ёшлиқ қилгандирмиз ёхуд юқоридаги каби эътибор қилмагандирмиз. Аммо у кишининг меҳнатлари вилоят, республика миқёсида эътироф этилган, тилга тушган, нақадар улғу инсоннинг фарзандлари эканлигимиздан, бир ҳаводан нафас олаётганимиз, сўзлашаётганимиздан беихтиёр фахр туйғуси, ўз навбатида маъсулият ҳиссини ҳам туйради.

Отамнинг Қашқадарё вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан боғлиқ фаолияти ҳам анча самарали. Бу айниқса, 1997 йилдан, яъни филология кафедраси мудири сифатида кўрсата бошлаганда янада яққолроқ кўзга ташланди. У киши “Давлат тили ҳақида”, “Лотин ёзуви асосланган ўзбек алиф-

босини жорий этиш тўғрисида”ги Қонунларни таълимга тадбиқ этишда фаоллик кўрсатди.

Отам ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Яхшиси кўпчилик эътироф этган лавҳаларда отам ҳақида янада тўлиқроқ ва самимийроқ эътирофлар кўзга ташланади. Масалан, “Хислат”, “Хизмат кўрсатган доцент Э.Шодмонов...”, “Она тилимиз жонкуяри”, “Бошланғич таълим”, “Эргаш Шодмонов”, “Соҳибқирондин садо келур”, “Назмий баён сержилодир”, “Она тилим-жону дилим” қабилар шулар жумласидандир.

Оилада қиз фарзанд туғилса – онасининг овуноғи, ўғил бола туғилса – отасига издош туғилди дейишади. Мен оилада кенжа фарзандиман. Бутун ёшлигимдан ҳозирги кунгача отамни ўзимга сирдош, ҳамсуҳбат, ҳамфикр деб билдим. Чунки онага айтилган сир – бир кунмас бир кун юзга чиқади. Отага айтилган гаплар эса ўз ифодаси, мазмун-моҳиятига чуқур етмагунча акс этмайди.

...Фахр билан, ифтихор билан айта оламан. Отам менинг идеалим. У кишидек бўлиш орзум. Муносиб бўлиш мақсадим. Шундай экан аъмолим ҳам, ҳаёлим ҳам отам билан, отамнинг ёди билан.

Нигора ШАДМАНОВА,
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

ТАЪЛИМ ВА ИСЛОХОТ

Бошланғич таълим инсоннинг етук шахс сифатида шаклланишидаги асосий бўғин ҳисобланиб, унинг сифатига қараб миллатнинг умумий саводхонлигига баҳо берилади. Бугунги кунда хорижий давлатлар тажрибасида миллий таълим тизимининг ривожланиш даражаси мамлакатнинг иқсодий-ижтимоий тараққиётига бевосита таъсир кўрсатаётганлигини кўриш мумкин. Муҳтарам Президентимиз Мурожаатномасида илм-фанга, таълим-тарбияга катта эътибор бериш, соҳани сифатли даражада ривожлантириш учун инновацион ёндашув зарурлиги таъкидланди.

Тарбия ўчоғи эса бу мактаб, оила ва маҳалла эканлигини доно боболаримиз таъкидлаб ўтканлар. Бас шундай экан мустақил Ўзбекистон келажиги бўлмиш ёш авлодга таълим-тарбия бериш биз ўқувчи мураббийларнинг виждоний бурчимиз бўлмоғи лозим. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлида бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш тақомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педогогик ахборот технологияларни жорий этиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Биз ҳар томонлама ривожланиб келаётган, ниҳоятда кучли, тақдорланмас қобилият ва иқтидор эгалари бўлган юрт фарзандларига таълим бериш, тарбиялаш ва камол топтиришдек ҳам шарафли касб эгаси эканлигимиз буни чин дилдан ҳис қилиш маъсулиятни янада оширишди.



Шоира ЙЎЛДОШЕВА
Касби туман 5-сон умумий ўрта таълим мактаб бошланғич синф ўқитувчиси

"ХАЁТ ГЎЗАЛ, ЯШАШ УЧУН 1001 САБАБ"

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш психологик-педагогик республика ташхис маркази вояга етмаганларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш бўлими иш режасининг 5-банди 10-бўлимида "Хаёт гўзал, яшаш учун 1001 сабаб" мавзусида акцияси ўтказилиши белгиланган. Айни кунларда республика ва вилоятимизнинг барча таълим муассасаларида акция қизғин руҳда ташкил этилди. Қарши Давлат 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабида ҳам мазкур акция кўтаринки руҳда қарши олинди.

Маълумки, мазкур акцияни ўтказишдан мақсад ўқувчиларда стресс ва тушқунлик ҳолатларини олдини олиш ҳамда ҳаётнинг гўзаллигини англаш,

директори З.Турсунова. Ўтказилган акция давомида мактабимизнинг педагогик жамоаси, ўқувчилар билан бир қаторда МФЙ вакиллари, ота-оналар,



шукроналик туйғуларини камол топтириш, суицидал ҳолатларга қарши тарбиялаш бўлиб, бунда мактабларнинг амалиётчи психологлари, ўқитувчилар жамоаси ва кенг ўқувчилар уюшқоқлик билан иштирок этдилар.

Акцияни самарали ўтказиш мақсадида мактабимизда чора-тадбир ҳамда иш режаси ишлаб чиқилиб, бир қатор тадбирлар, танловлар, шу жумладан турли хил амалий машғулотлар, методикалар ҳамда тренинглар ўтказилди. "Ўзига бўлган ҳурмат нима?", "Ўз-ўзини англаш", "Ўзига ишонч нима?" каби методикалар мазкур режа асосида ташкил этилди.

- Таълим муассасамизда ўтказилган акция доирасидаги тадбирларда ўқувчилар ва ота-оналар фаол иштирок этдилар, - дейди мактаб

мактабларга бириктирилган инспектор-психологлари, тиббиёт ходимлари фаол иштирок этишганлиги акция аҳамиятини янада оширди, десак муболага бўлмайди.

Ростдан ҳам "Хаёт гўзал, яшаш учун 1001 сабаб" мавзусида акция бизни мактабимизда ўзгача руҳда ўтказилди. Нега деганда, мактабимиз ихтисослаштирилган бўлиб, бу ерда ўзига хос иқтидорлар, характер эгалари, дунёқараши, фикрлаши билан тенгдошларидан фарқланадиган ёшлар тахсил олади. Мана шу жиҳати ҳам ушбу лойиҳа қийматини янада оширди. Бир сўз билан айтганда ушбу лойиҳа педагог жамоа учун ҳам, ота-оналар, ўқувчилар учун ҳам яхшигина мотивация бўлди.

Комила АЗИЗОВА,
Қарши 1-ИДУМ психологи

"КИТОБ ВА КИТОБХОНЛИК-ИНСОН МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ"

Китобхонлик инсон зийнати. Ўқувчиларда бу ижобий одатни шакллантириш учун эса турли тадбирлар ташкил этиб борилмоқда. Қарши шаҳридаги 29-мактабда "Китобхонлар доираси" асосида "Китоб ва китобхонлик - инсон маънавият кўзгуси" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар китоб - инсоннинг ақлий тараққиёти ва маънавий камолотида ёрдам берувчи, илм дурдоналарини тўплаб, авлодларга етакловчи, ўтмишнинг бугун ва эртанги кунга боғлаб турувчи маънавий бойлик эканлигини, китоб - дилга нур беради, дил нуридан эса инсон кўзи равшанланади, оламни кўради, англайди, тўғри йўл ила бахт саодат топишлиги, китобдан шунчаки эрмак ёки бўлмаса зерикшида қўл келадиган бир восита сифатида фойдаланиш хатолиги, китобни севиб ўқиш кераклигини таъкидлаб ўтдилар.



Тадбирда 5-синф ўқувчилари китоб ҳақида шеърлар ўқишди ва "Зумрад ва Қиммат" эртаги асосида тайёрланган сахна асарлари ижро этилди. 10-синф ўқувчиларидан Муштарий Боймуродова ва 9-синф ўқувчиси Акмал Холтўраев ижросида А.Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" асаридан парча ижро этилди. Шунингдек, ўқувчилар томонидан ижро этилган сахна кўринишлари, куй-қўшиқлар ва рақслар йиғилганларга манзур бўлди.

- Ўқувчиларни китоб ўқишга қизиқтиришда мактабда ўтказилаётган тадбирларнинг роли беқиёс. Кутубхонага ошиқиб кириб келган ўқувчиларни кўриб, кўнглим ёришиб кетади. Ўқув йили якунланиш арафасида турибмиз, ўқитувчилар келишиб болаларини ёзги таътил кунларида ўқишлари учун китоблар рўйхатини эълон қилдик. Ота-оналар ҳам бизга бу борада яқиндан кўмакдош бўлишса, нур устига нур бўларди.

Соҳиба ЭРДАНОВА,
Ғузур туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг кутубхоначиси

"БЕШ ТАШАББУС - БЕШ ИМКОН" ТАДБИРИ

Ғузур туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг 4-"А" синфиди "Беш ташаббус - беш имкон" шиори остида маънавий ва маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда ёш авлодни маънавий баркамол инсон этиб тарбиялаш, бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, уларни санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича 5 та

да ўз иқтидорларини расм чизишда намоён этишди. Айниқса, маҳоратли қизларимиз томонидан ижро этилган "Мен онамга ёрдамчи", "Ким чиройли тугма қадайдир?" номли чиқишлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

- Мана бугун бошланғич таълимдан юқори синф сафига қўшилмоқдамиз. Ўтган 4 йил давомида устозимнинг ўргатган ўғитлари бизнинг келажакда соғлом ва баркамол авлодлар бўлиб улғайишимизга пойдевор бўлади, - дейди ўқувчилардан бири.

- Бола онгги ривожланиши жараёнида, айниқса, уларни спортга, санъатга, тил ўрганишга, китоб ўқишга бўлган қизиқишларини ривожлантира олсак, катта бўлганда бу кўникмаларни яна такомиллаштиради. Бугунги тадбиримизнинг мақсади ҳам айнан шунга қаратилган.

Шоҳиста НАЗАРОВА,
Ғузур туманидаги 29-сонли умумий ўрта таълим бошланғич синф ўқитувчиси



муҳим ташаббус доирасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

4-"А"-синф ўқувчилар ҳам дастлаб биринчи ташаббус бўйича маданият, адабиёт, санъатга қизиқувчан ёшлар ўз иқтидорларини намойиш этишди. Тасвирий санъат йўналишида ўқувчилар томонидан "Менинг келажакдаги орзуйим" номли танлов-

ЁШ АВЛОДНИ ҚИЗИҚИШИ ВА ҚОБИЛИЯТИГА ҚАРАБ КАСБ- ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ

Ҳозирги кунда ёшларимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ўз имкониятлари, қизиқишлари, қобилиятларига мос касбни танлашдир.

Маълумки, касб танлаш, касбга йўналтириш ҳақида қанчалик фикр юритмайлик, махсус тестларни ишлаб чиқмайлик, барибир ҳаётда ким бўлиш кераклигини ота-она ҳам битирувчи ҳам билмайди. Шу боис, бу муаммони самарали ҳал қилиш мақсадида психологлар куйидаги тавсияларга амал қилиш зарурлигини таъкидладилар.

Қарор фақат мустақил равишда амалга оширилади. Ота-онангиз томонидан бериладиган маслаҳатлар фойдали лекин уларни фикри якуний қарор бўлмаслиги керак. Психологларнинг таъкидлашича, биз кўпинча атроф-муҳитга, қариндошлар, ўқитувчилар, дўстларимизга эътибор қаратамиз. Одатда бундай вазиятда иккита йўлдан борамиз яъни уларнинг

фикрига амал қиламиз ёки аксинча. Ўзи ўсмир учун нима керак? Масалан, она бутун ҳаёти давомида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланиб лекин у бу фаолиятдан аллақачон воз кечиш керак эди. Энди ўзи хоҳлаган нарсасига қизиқсиз қали эришишига ҳаракат қилади. Бундай вазиятда қандай йўл тутуш керак? Қарорни тинчлик йўли билан қабул қилишга ҳаракат қилинг. Масалан, рақс ўқитувчиси ёки химия ўқитувчилигидан қайси бирини танлашингиз учун ота-онангиз ва дўстларингизнинг маслаҳатларига амал қилинг. Барибир якуний қарорни ўзингиз қабул қилишингиз лозим.

Касб танлашда оилавий анъанани давом эттириш шарт эмас. Сиз ўзингизни ишингиз ундаги имкониятлар қулайликлар шунинг билан бирга фарзандингиз учун муваффақиятли мартаба ҳақида олдиндан башорат қилиб гапиришингиз мумкин. Агар фар-

зандингиз сизни ёки отасини касбини давом эттирмоқчи бўлса бу жуда яхши. Лекин мажбур қилиш-



нинг ўзи нотўғри. Агар инсон ўзи ёқтирмаган иши билан бутун ҳаёт давомида шуғуллангандан кейин ўзини бахтсиздек ҳис қилади.

Ҳазраткул АРЗИЕВ,
Шахрисабз туманидаги 28-мактабнинг психологи

ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРГАН ИХТИРОЛАР

Авалло, кашфиёт деб ўрганганларимизни ихтиро деб ёзганимиз сабаби ҳақида икки оғиз сўз. Кашфиёт сўзининг маъноси билганингиздек кашф этмоқдир. Масалан, Колумб Америка қитъасини



кашф этди деганда Колумб Америка қитъасини бир нарсани бир нарсга қориштириб ясагани эмас, уни излаб топгани тушунилади. Ньютоннинг бутун олам тортишиш қонуни ва Эйнштейннинг нисбийлик назарияси ҳам шунга ўхшаш ҳодиса. Демак, кашфиёт – табиатда олдиндан мавжуд бўлган ҳодисанинг сирини очтирди. Инсон ақли билан яратилган янги бир нарсга эса ихтиро деб аталади. Масалан, компьютер яшаш учун мавжуд бўлган ашёларнинг ҳар бири бир кашфиёт бўлиши мумкин, компьютернинг ўзи эса ўша нарсалар мажмуаси бўлиб инсон заковати тухфасидир.

Алифбо. Инсоният тарихидаги энг машҳур их-

тиролар ҳақида турли миллатлар орасида сўров ўтказилганда сайёрамиз аҳолисидан бирор киши бутун дунёни "ларзага" солган ихтиро қайси эканини қатъиятла айтиб бера олмаган. Лекин кўпчилик алифбонинг яратилиши дунё цивилизациясига туртки бўлганини эътироф этган ва худди ана шу ихтиро дунёда биринчи ўринни эгаллаган. Улардан ҳарфлар ва сўзлар ташкил топган. Агар ҳарфлар, белгилар, сўзлар, тиллар бўлмаганда ҳеч қандай ихтиро ва технологиялар бўлмас эди.

Китоб. Яна бир сўровда инсон зотининг энг муҳим ихтироси деб ракета, чироқ, телевидение, радио, интернет ва ҳаттоки iPhone эмас, китоб тан олинган. Чунки электр ёки атом энергияси ёрдамида ҳаракатланадиган космик кемалар, самолётлар ва шунга ўхшаш оламшумул кашфиётлар ва ихтироларнинг асл сабабчиси бу – китобдир. Барчамиз гувоҳмиз, ҳаттоки компьютер, телевидения ва бошқа энг таъсирчан технологиялар ҳам китоб ўрнини боса олмади. У қадимги билимларнинг энг ишончли ташувчиси ва унга ҳеч қандай энергиянинг ҳам кераги йўқ. У ҳали ҳам инсонларни билим ва маърифат томон етаклашда пешқадамлик қилмоқда.

Филдирак, компьютер, автомобиль кабилар ҳам мана шундай дунёни ўзгартирган ихтиролар қаторида.

Феруза ПАРМОНОВА,
Ғузур туман 74-сонли умумий ўрта таълим мактаб бошланғич синф ўқитувчиси

ХАЁТГА МУҲАББАТ – АКЦИЯ МОҲИЯТИ

Ҳаёт нима? Ҳаётнинг маъноси нима? Дўстлик, севи, ўлим, хиёнат нима? Бу мавзулар ўсмирларни кўпроқ ўйлантиради. Ҳаётда нима муҳим эканлигини тушуниш учун жавоб излайди. Агар сиз ўсмир билан қийин мавзуларда суҳбатлашишдан қочсангиз, у жавобларни бошқа томондан – масалан, интернетда қидиришда давом этади. Ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар нафақат ишончсиз, балки хавфли бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Бола ҳаёт гўзал, яшаш бахт эканлигини тушуниши учун қўлингиздан келган ҳамма нарсани қилинг. Болани ҳаётда оддий нарсалардан мисол учун табиат, одамлар билан мулоқот,

дунёни ўрганишдан завқланишга ўргатиш муҳим. Ҳаётга муҳаббат уйғотишда ўзингиз намуна бўлинг.

С и з н и н г ҳаётга ижобий муносабатингиз, албатта, болага ўтади ва унда юзага келадиган қийинчиликларни е н г и ш г а ёрдам беради.



Маълумки, мактабларда ўтказилган "Ҳаёт гўзал, яшаш учун 1001 сабаб" мавзусида акцияси мана шу мақсадлар учун хизмат қилди дейиш мумкин. Акция доирасида макта-

бимизда кўплаб тадбирлар, қизиқarli машғулотлар ўтказилди. Бу шубҳасиз, ўқувчилар, ота-оналар,

педагоглар учун ҳам фойдали бўлди.

Хилола ХЎЖАНОВА,
Ғузур туман 29-умумий ўрта таълим мактаб психологи

"МУҲАММАД ЮСУФ ЭЛ АРДОҒИДАГИ ШОИР"

Муҳаммад Юсуф – эл ардоғидаги булбулзабон шоир. Унинг ҳар бир сатри халқнинг қалбида мангу муҳрланган.

Шоир ўз Ватанининг ҳар бир зарраси, табиати, тарихи, орзу-армонлари, ҳар бир ғиёҳини шеърга солди. Муҳаммад Юсуф шеър қидирмас эди, балки шеър уни қидириб юрарди. Халқона оҳанг, эл дарди билан яшаш, унинг кундалик эҳтиёжга айланганди. Шоир учун энг асосийси, миллатнинг меҳри. Шу боис, унинг шеърларида сеҳр бор. Халқ меҳри Муҳаммад Юсуф учун энг катта мукофот. Бундай мукофотга ҳамма ижодкор ҳам сазовор бўлавермайди.

Унинг ҳар бир шеъри куйга солиниб, халқнинг сеvimли қўшиқларига айланиб улгурди. Она Ватан тараннуми унинг ҳар бир сатрида ўз аксини

топти. Андижонда шоир ҳайкали ўрнатилган ҳиёбон қурилган ва унинг олдидаги мактаб Муҳаммад Юсуф номи билан аталган. Бу эса муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг андижонликларга, хусусан, шоирга бўлган чуқур эҳтироми рамзидир.

Шоир таваллуд топган сана муносабати билан Муборак туманидаги 24-сонли умумий ўрта таълим мактабида "Муҳаммад Юсуф эл ардоғидаги шоир" деб номланган тадбир ўтказилди. Тадбирда мактабнинг 7- ва 10-синф ўқувчилари иштирок этди. Ўқувчилар томонидан шоир ижодидан намуналар ўқилди ва сахна кўринишлари ижро этилди.

Тадбир барчада катта таассурот қолдирди.

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА
Муборак туманидаги 24-сонли умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси



ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР



Ўқувчи-ёшларни келгусида унумли меҳнат фаолиятига тайёрлаш, ўзларини қизиқтирган касб-хунарларни эгаллашга йўналтириш ишларини йўлга қўйиш асосан умумтаълим мактабларидаги меҳнат таълими ўқув фани зиммасига тушади.

Ўқувчиларда билим ва меҳнатга муҳаббат, меҳнаткашларга ҳурмат ҳиссини сингдириш, уларни жамоатчилик, ватанга садоқат, дўстлик, ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялаш технология фани ва касб таълимининг тарбиявий хусусиятидир. Технология ва касб таълими-

нинг тарбиявий вазифаларини амалга ошириш учун ўқитишнинг мазмуни, шунингдек, ўқув ишларининг тарбиявий шакл ва методларини қўллаш самарали бўлади. Ҳар бир тараққиёт босқичига ўтишнинг шартли фақат меҳнат унумдорлигини мунтазам ошириш ва моддий неъматлар мўл-кўллигини яратишдан иборат бўлиб қолмасдан, ёш авлодда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялашдан ҳам иборат. Бу энг аввало жамият манфаатлари йўлида қилинадиган жараёнда шаклланади.

Технология дарсларида педагогик технологиянинг кўплаб турларидан фойдаланиб, машғулоти ташкил этиш мумкин. Педагогик технология эса боланинг қизиқувчанлигини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган. А.Қушнернинг фикрича, методика – илгор тажрибани оммалаштириш ёки

билимларни етказишнинг янгича йўлини ихтиро қилиш йўли бўлиб, натижасига ҳамиша ҳам кафолат бера олмайди. Технология эса ҳар қандай шароитда қандай бўлишидан қатъий назар, олдиндан белгиланган натижани берувчи жараёндир. Технология фани педагогик технологиянинг воситалари, усуллари ва шакллари билан боғланган. Дарс жараёнида педагогик технология оммавий таълим шароитида давлат таълим стандартлари талаблари даражасида кадрлар тайёрлашни таъминлайди. Бизнинг олий мақсадимиз келажак учун мустақил фикрли, ижодкор, изланувчан ва истеъдодли ёшларни етказиб беришдан иборат.

Умида АХМЕДОВА,
Китоб туманидаги
84-умумий ўрта таълим
мактабининг 1-тоифали
технология фани ўқитувчиси.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ДАРСЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЖИХАТЛАРИ

Жамият тараққиётида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ва роли улкан бўлиб, давлатимиз томонидан жойларда олиб борилаётган спортни ривожлантиришга доир ислохотлар спортни янада ривожланишига олиб келмоқда. Аввало, бу ислохотларни амалга оширишда халқимизнинг руҳиятига монанд олиб борилиши ниҳоятда муҳим ўрин тутати. Чунки жойларда халқимизнинг янги спорт турига муносабати, уни қабул қилиши айнан шу спорт турининг ривожланишини белгилаб беради.

Спорт – бу соғлиқ, спорт бу ёшлик, у шахду шижоат, баркамоллик ва етуқлик демак. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда спорт равнақи, халқимизни спортга оммавий тарзда кенг жалб этишга, айниқса, келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук ва комил инсонлар сифатида улғайтиришга юксак даражада эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Чунки спорт аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва

баркамол этиб тарбиялаш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиради. Турли касалликлар, ёшлар

ўртасида зарарли одатларнинг олдини олади. Спорт юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутати. Мустақиллик йилларида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароитлар яратилди. Худудларимизда минглаб спорт иншоотлари ва мажмуалари, ўйингоҳлар бунёд этилди ҳамда реконструкция қилинди.

Баҳодир МУҲИДДИНОВ,
Китоб туманидаги 84-умумий ўрта
таълим мактаби 1-тоифали жисмоний
тарбия фани ўқитувчиси.



КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВ-ДЕДАКТИК РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Кимё фани мураккаб, шу билан бирга жуда қизиқ фан. Уни ўқитишда ўқувчиларнинг ёши, психологияси, қобилиятидан келиб чиқиб, уларга мос таълим метод-



лар танланган. Бу методни оқсидли, асоси, тузлар, кислоталар мавзуларини ўтганда ёки органик кимё курсининг кўп мавзуларида қўллаш мумкин. Бу метод орқали ўқувчиларни кимёнинг энг асосий тушунчалари бўлган атом ва молекула, валентлик ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш, фанга бўлган қизиқишларини ошириш, уларни фикрлаш қобилиятини кенгайтиради. “Кимёвий домино”да спорт туридагидек домино донлари (кичик тўрт бурчак шаклида) картондан ясалади. Домино донларидаги рақамлар ўрнидаги кимёвий доминода моддаларнинг формулалари ёзилади. Доминодаги бир ўрнига металллар, икки ўрнига металллар, уч ўрнига оксидлар, тўрт ўрнига асослар, беш ўрнига кислоталар, олти ўрнига тузларнинг формулалари ёзилади. Тайёр домино донлари ҳудди спортдаги домино ўйини сингари ўйналади. Бу метод анорганик моддаларнинг тоифаланиши 7-синф курсининг охири, 8-синфнинг дастлабки мавзуларини ўтиш вақтида қўлланилади. Бу метод ўқувчиларни кенг фикрлашга, тезкорликка, ўзаро ҳурматга, ҳамжиҳатлик билан билим олишига ундайди. Шу билан бирга уларда анорганик моддаларни синфларга ажратиш малакаси шаклланади.

ни гуруҳлар ўртасида ёки якка тартибда ўтказиш мумкин. Бунда ҳар бир ўқувчига ёки гуруҳга биттадан модда (ёки) унинг формуласи айтилади. Ўқувчилар атомларнинг шар-стерженли моделларидан фойдаланиб уни тўғри ва тез ясашлари керак бўлади.

Қўлланилиши: Бу методни оқсидли, асоси, тузлар, кислоталар мавзуларини ўтганда ёки органик кимё курсининг кўп мавзуларида қўллаш мумкин. Бу метод орқали ўқувчиларни кимёнинг энг асосий тушунчалари бўлган атом ва молекула, валентлик ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш, фанга бўлган қизиқишларини ошириш, уларни фикрлаш қобилиятини кенгайтиради. “Кимёвий домино”да спорт туридагидек домино донлари (кичик тўрт бурчак шаклида) картондан ясалади. Домино донларидаги рақамлар ўрнидаги кимёвий доминода моддаларнинг формулалари ёзилади. Доминодаги бир ўрнига металллар, икки ўрнига металллар, уч ўрнига оксидлар, тўрт ўрнига асослар, беш ўрнига кислоталар, олти ўрнига тузларнинг формулалари ёзилади. Тайёр домино донлари ҳудди спортдаги домино ўйини сингари ўйналади. Бу метод анорганик моддаларнинг тоифаланиши 7-синф курсининг охири, 8-синфнинг дастлабки мавзуларини ўтиш вақтида қўлланилади. Бу метод ўқувчиларни кенг фикрлашга, тезкорликка, ўзаро ҳурматга, ҳамжиҳатлик билан билим олишига ундайди. Шу билан бирга уларда анорганик моддаларни синфларга ажратиш малакаси шаклланади.

Манзура ПАРДАЕВА,
Китоб туманидаги
84-умумий ўрта таълим мактаби,
олий тоифали кимё фани ўқитувчиси

12 май – Халқаро ҳамширалар куни

ЭЛ ХИЗМАТИДАН МАМНУНМИЗ

Қашқадарё вилояти Перинатал маркази она ва бола саломатлиги учун масъул ҳисобланган тиббиёт муассасасидир.



Марказда фаолият олиб бораётган ходимлар катта жамоани ташкил этади. Жумладан, марказда жами 363 нафар тиббиёт ходимлари меҳнат қилишмоқда. Уларнинг 86 нафари олий, 39 нафари биринчи ва 64 нафари

иқкинчи тоифали ҳамширалар.

Акушер-гинеколог врачлар томонидан белгиланган кўрсатмага асосан ҳамширалар беморларга тиббий муолажа ишларини олиб боришади. Ҳам онага, ҳам болага тиббий хизмат кўрсатишда ҳар бир ҳамширадан етарли касбий билим ва албатта, етарли

тажриба талаб қилинади. Биз бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, ҳамшираларни малака ошириш курсларида ўқитишга юборишни босқичма-босқич тарзда йўлга қўйганмиз.

Юқорида айтиб ўтганимдек жамоа сафи катта. Аввало ходимлар, беморлар, қолаверса уларнинг ортидан келадиған фуқаролар билан муомала маданиятини сифатли даражада олиб бориш масъулияти бизнинг зиммамизда. Бундан ташқари марказ худудидан тортиб то беморларга мўлжалланган хоналарнинг саронжомлиги, тоза ва озодлиги учун ҳам масъулмиз. Биз зиммамиздаги бурч ва масъулиятни бир дақиқа бўлсада унутмасдан бажаришга доимо шаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб 12 май - Халқаро ҳамширалар куни билан барча опа-сингилларимизни табриклайман. Эътибор талаб ҳамда шарафли касб байраминиз кутлуг бўлсин, муҳтарама ҳамширалар. Эл хизматидан асло чарчаманг, хорманг!

Ўзларингизга соғлиқ-омонлик, оилаларингизга бахт ато этишини Яратгандан сўраб қоламан.

Гўзал БУРХОНОВА,
Қашқадарё вилояти Перинатал маркази Бош дояси

ЁЗНИНГ ХИЗМАТИ

Ўлкамизга билдирмай, ёз фасли кириб келди Саховатин аямай, меваларга тўлдирди. Ёзнинг баҳонасида, анҳорларда чўмилдик Ҳар бир дарахт шоҳида, мевалардан еб кўрдик. Қуёш чарақлаб турар, осмонда йўқ ҳеч губор.

Кечалари юлдузлар, порлаб турар беғубор Ҳар бир мева ичида, бордир ажиб бир сеҳр Кўзинг қамашиб кетар, Фаройибдир бу меҳр. Тоғдан тушар тиниқ сув ранги офтоб кабидир. Полизларда ҳандалак пишиб ётар бир талай.

Асал ШОНАЗАРОВА,
Қарши шаҳар 29-мактабнинг
6-«д» синф ўқувчиси



15 май – Халқаро оила куни

ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИ ЙЎЛИДА

Маълумки, 15 май куни, жаҳон миқёсида Халқаро оилалар куни (International Day of Families) нишонланади. Ушбу байрам БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1993 йил 20 сентябрдаги «Халқаро оила йили тўғрисида»ги резолюцияга мувофиқ 1994 йилнинг 15 майидан буён мунтазам равишда нишонланиб келинади.

Оила - инсон учун муқаддас ва улуғ даргоҳ. Инсон шу даргоҳда туғилади, ўсади, унади, вояга етади. Оилани жамиятнинг кичик бир парчасига қиёслаш мумкин.

Дарҳақиқат, халқимиз азалдан оилани муқаддас, муборак даргоҳ сифатида эъзозлаган, бу кўрғонга заволят етмаслиги учун бор маҳоратини ишга солган. Зеро, оилани бошқариш фарзандларни халққа, ватанга муносиб авлод қилиб етиштириш масъулиятли вазифадир. Афсуски, баъзан бу борада билим, тажриба ва тарбиянинг етарли бўлмагани туфайли кўпроқ ёшлар ўртасида ажралиш ҳолатлари учраб туради. Арзимаган баҳонани сабаб қилиб оилалар бузилиб, беғубон, беғубор фарзандлар тирик етим бўлиб қолмоқда. Аёл оқила, фозила, жонкуяр,

ҳар нарсанда эр қадрини юксак қўядиган бўлса, эр босиқ, жиддий, меҳрибон, фарзандлари, аҳли аёлига жонкуяр бўлиши лозим. Эр-хотин ўртасида меҳр-оқибат бўлиши керак.

Тадбирлар ташкил қилиниб, намунали оилалар, узоқ йиллар аҳил-иқтисод турмуш қурган оилалар вақиллари таклиф этилиб, уларнинг ҳаётий тажрибаларини ўртоқлашиш бўйича давра суҳбатлари ёшларда катта таассурот қолдириш баробарида барпо этилаётган оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашга асос бўлмоқда.

Комила ШАРИПОВА,
Фузор тумани ФХДЁ бўлими
мудираси

ҲАММАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 1-ИДУМда 9 май - Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тарбия фанидан 7 «А»-синфда «Ҳаммаси ўз қўлимизда» мавзусида очик дарс бўлиб ўтди. Очик дарсни «Тарбия» фани ўқитувчиси «Шўхрат» медали соҳибаси Райҳон Давронова

ва видеороликлардан фойдаланди. Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб ишлади. Очик дарсда ўқитувчи «101 нафар ўзбек аскарининг жасорати» ҳақидаги фильмни ўқувчиларга намойиш қилди. Ўқувчиларнинг фикрини билиш ва дарсни мустаҳкамлаш мақсадида, уларни савол берганида, ўқувчилар иккинчи жаҳон



ташқил қилди. Дарс бошланишида, давлатимизнинг мадҳияси куйланди. Очик дарсда бугунги кунда тинч ва осойишта яшашимиз учун. Мустақил ва озод давлатимиз равнақи учун, бугунги кунга етишимиз учун ота-боболаримиз жон олиб жон беришганларини, Ватанимиз ҳимояси учун ўз жонларидан, кечганларини, минглаб ватандошларимиз урушда вафот этганлари ҳақида суҳбатлашишди. Ўқитувчи дарсни янги педтехнологиялардан фойдаланиб, мавзуга оид слайд

сани» уруш даврида бутун мамлакатга тарқалиб, бугунга етиб келганини, сўзлаб беришди. Дарс сўнггида мактаб директори Раъно Бегимова дарс жуда ҳам мазмунли ўтганлиги ва ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадига эришганини таъкидлади. 9 май - Хотира ва қадрлаш куни олдидан бу дарсни ташкиллаштиргани учун Р.Давроновага миннатдорчилик билдирди.

Сарвиноз БЕГИМОВА,
1-ИДУМ ўқитувчиси, Касаба уюшма
қўмитаси раиси ўринбосари

Кутуруш – барча иссиқ қонли ҳайвонлар ва одамларда учрайди-ган, кутурган ҳайвонларнинг тишлаши, тирнаши, натижасида одамларга юқадиган, асосан асаб тизимини шикастланиши билан кечадиган, вирус табиатли, бедаво, ўта хавфли юқумли касаллик-дир.

боқарлардан ҳам кўнглим қолиб кетди” деган сўзла-рини ўз эсдаликларидида ёзиб қолдирган.

Ҳақиқатдан ҳам куту-риш билан ҳайвон касал-ланадими, одам касалла-надими, якуни аниқ – даҳ-шатли ўлимдир.

Республика мизда одамлар учун кутуриш ка-саллигининг асосий ман-

рин даври 1-3 ойни таш-кил этади. Ит тишлаган ёки тирнаган жароҳат қан-чалик марказий асаб ти-зимига яқин жойлашган бўлса (бошда, бўйинда, юзда, қўл бармоқларда, кафтда), касалликнинг яширин даври шунчалик қисқа бўлади, аксинча, жа-роҳат марказий асаб ти-зимидан узоқ жойлашган

сув тўғрисида эшитганда ҳам ютиш мускуллари тортишиб, қисқариб, ютиниш қийинла-шади яъни беморда сувдан кўрқиш гидрофобия аломат-лари пайдо бўлади.

Касалликнинг учинчи, яъни, фалаж даврида бемор юрак-томир фаолияти етиш-мовчилиги ёки нафас мар-казининг фалажи оқибатида вафот этади.

Хўш, фуқаролари-миз бу бедаво ўта хавфли юқумли касал-ликдан сақланиш учун нималарга эътибор беришлари керак?

Жавоб оддий фақат ҳар бир фуқаромиз бу олтин қоидаларнинг моҳиятини тўғри тушуниб, уларга амал қилишлари шарт: Эгасиз дайди итларни пайдо бўли-рлари. Касаллик-нинг бошланғич даври 1-3 кун да-вом этади. Тиш-ланган жой ўрни қийиди, тортишиб оғрийди, битган жароҳат ва чандиқ такроран яллиғла-ниши мумкин. Бе-ринчи тиббий ёрдам тезлик-да бошланиши керак. Бирин-чи тиббий ёрдам кўрсатил-гандан сўнг жароҳатланган шахс антрабик ёрдам олиш учун травматология ва хирур-гия бўлимларига ёки тиббиёт пунктларига йўлланма билан юборилади.

Шоғдор НОМЗОВ, СЗО ва ЖСҚ Қашқа-дарё вилоят бошқарма-си ОАВ ва Жамоатчилик билан ишлаш бўлими мудири

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ КАСАЛЛИГИ

Вирусли Гепатит касал-лиги-Писорнавидае оиласи Хепатовирус турига мансуб вирус келтириб чиқарадиган кенг тарқалган юқумли ка-салликлардан бири ҳисоб-ланади. Вирусли гепатит ташқи муҳитга чидамли: хона ҳароратида бир неча ҳафтадан бир ойгача, 40°C да бир неча ойгача, -200°C да бир неча йилгача ўзининг юқумлилик хусусиятларини сақлайди, 60°C ҳароратда 60 дақиқача бўлган вақтда вирусли патогенлиги хусуси-ятини сақлайди, 60°C ҳаро-ратда 60 дақиқача бўлган вақтда вирусни патогенлиги тўлиқ сақланади, 10-12 соатга бориб ўз хусусиятла-рини қисман йўқотади. Қай-натиш вирусни 5 дақиқада парчалайди.

Вирусли гепатит касаллиги фекал-орал юқиш йўли механиз-мига хос бўлиб, яъни ичак ин-фекцияларига хос бўлган барча йўллар сув, озиқ-овқат ва маи-ший мулоқот йўллари орқали юқади. Касалликнинг одамлар ўртасида тарқалиши асосан си-фатсиз ичимлик сувидан фойда-ланилганда, ифлосланган сув ҳавзалари ва бассейнларда чўмилганда, озиқ-овқат маҳсулот-лари вируслар билан зарарла-ниши юз берганда, санитария ва гигиена қоидаларининг бузи-лиши, шахсий гигиена қоидала-рига риоя қилмаслик натижаси-да юқади ва бу касаллик кўпроқ болалар ўртасида учрайди.

Бу касаллиқни олдини олиш учун юқоридаги юқиш йўллари-ни билган ҳолда санитария ва

гигиена қоидаларига амал қилиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш ва қолаверса махсус про-филактикаси-эмлаш муҳим аҳами-ятга эгадир.

Вирусли гепатит касаллигига қарши эмлаш мақсадида хавфсиз ва самарали ресомбинант вакци-на қўлланилади. Вакцина йўриқно-мага асосан бир марта ёки икки марта юборилади.

Вилоятимизда эмлаш ҳақида маълумот берадиган бўлсам, Бу касалликка қарши махсус профи-лактика эмлашдир, Вирусли гепа-тит касаллигига қарши эмлаш пул-лиқдир. Вилоятимиздаги эҳтиёж-манд оилаларни ижтимоий қўллаб қувватлаш мақсадида, касаллик-нинг кўрсаткичи охириги пайтлар-да болалар ўртасида ошиб бора-ётганлиги сабабли, Халқ Депутат-лари Қашқадарё вилоят кенгаши-нинг 2023 йил 21 февралдаги “Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча маблағла-ри ҳисобидан йўналтириш тўғри-сида”ги ВИ-58-17-4-0-К-/23-сонли қарорига асосан вилоятдаги но-гиронлиги бўлган, Темир дафтар ва Аёллар дафтаридида ҳисобда тур-ган оилалардаги болаларни дастлабки босқичда 1, 5-7 ёшда-ги, кейинчалик бу қамров 2-14 ёшдаги болаларни вирусли гепа-тит касаллигининг турига қарши бепул эмлаш режалаштирилмоқда. Ҳозирги кунда эмлаш ҳафталиги бўлиб ўтмоқда. Шу мақсадида ма-ҳаллий бюджет ҳисобидан 1,160 млрд. сўм маблағ ажратилди ва 7190 доза вакцина харид қилинди.

Темур БОБОҚУЛОВ, Эпидемиология бўлими мудири

ҚУТУРИШ – БЕДАВО ДАРД

Бугунги кунда куту-руш касаллиги 100 фоиз ўлим билан тугайди, бу касалликда ўлим муқар-рар. Кутуруш касал-лигига қийноқли ўлим қайд этилади. Бу тўғрисида маш-хур рус олими Да-нило Самойлович қуйидагича фикр билдирган “Инсо-ният дунёга келиб-дики, қанчадан – қанча касалликлар-ни бошидан кечир-ган ва кўрган, аммо кутуриш касаллигига муб-тало бўлган бемор ахво-лини кўришдан ортиқ кўрқинчли ва даҳшатли-роқ ҳолат бўлмаса керак”.

Рус ёзувчиси Антон Чехов кутуриш хасталиги-га дучор бўлган невар-сини кузатиб, уни жуда қийналиб жон берганини кўргач, “Бир ҳафтача рус ёзимга келолмадим, тел-баном бўлиб юрдим, шундан кейин, дунёдаги барча итлардан ҳам, ит-

баининг 90-95 фоизи ит-лар ҳисобланади.

Одам организмга кутуриш вируси тушиши



билан касаллик бирдани-га бошланмайди. Дастлаб вирус нервлар атрофида бўладиган периневрал-су-юқлик оқими билан орқа ва бош миёга етиб бора-ди ҳамда мия тўқимаси-да кўпая бошлайди. Бу жа-раён белгиларсиз кечади ва уни касалликнинг яши-рин даври дейилади. Бу давр 1 ҳафтадан 1 йилга-ча, баъзан ундан кўпроқ ҳам бўлиши мумкин. Ка-салликнинг ўртача яши-

бўлса (оёқда), бу давр чўзилади.

Кутуриш касаллиги клиник кечишига қараб, уч даврга бўлинади: бошланғич, кўзга-лиш ва фалаж дав-рлари. Касаллик-нинг бошланғич даври 1-3 кун да-вом этади. Тиш-ланган жой ўрни қийиди, тортишиб оғрийди, битган жароҳат ва чандиқ такроран яллиғла-ниши мумкин. Бе-ринчи тиббий ёрдам тезлик-да бошланиши керак. Бирин-чи тиббий ёрдам кўрсатил-гандан сўнг жароҳатланган шахс антрабик ёрдам олиш учун травматология ва хирур-гия бўлимларига ёки тиббиёт пунктларига йўлланма билан юборилади.

Беморнинг тана ҳаро-рати кўтарилади, қон то-ми уриши тезлашади, сувни кўрганда, ҳаттоки

15 МАЙ — ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

Оила — жамиятнинг асосий бошланғич бўғи-ни, гўзал урф-одатлар, миллий қадрият ва анъ-аналарларни ўзида ас-ровчи, асрлар оша тар-бияда ўзига хос миллий-лиқни шакллантирувчи муқаддас маскан. Оила тинч бўлса, маҳалла тинч, жамият фаровон, давлат мустақкам бўла-ди.

Дунё бўйлаб 15 май — Халқаро оила куни сифати-да кенг нишонланади. Бу куннинг тарихига назар со-ладиган бўлсак, Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрдаги ялпи йиғи-лишида 15 май куни - Хал-қаро оила куни деб белги-

ланган. Бундан асосий мақсад дунё жамоатчили-гини оиладаги муаммо-ларни бартараф этиш, оила қадриятларини мус-таҳкамлаш, муносабатлар-ни тартибга солишдир.

Мамлакатимизда ёшларнинг турмуш қуриш олдидаги тайёргарлигидан то барпо этилган оилага эътибор, уларни қўллаб-қув-ватлаш, эҳтиёжманд оила-ларнинг муаммоларини ҳал этиш, оила вакилла-рининг тиббий, ижтимоий, ҳуқуқий хизматлардан фой-даланиши учун имкон яра-тиш каби қатор йўналиш-ларда зарур шарт-шаройт-лар қилинмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини вакилла-ри оилалар билан ишлаб,

улар ҳолидан хабар олади, нотинч оилаларга ёҳуд эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар-га алоҳида эътибор қара-тиб, зарур кўмак кўрсата-ди. Ушбу сана муносаба-ти билан жойларда қатор тадбирлар, амалий ишлар, учрашув ва ўрганишлар ташкил этилади.

Мамлакатимизда оила институтининг ҳуқуқий асослари ҳам мустаҳкам-ланган. Оила кодекси ҳамда қатор қонун ва қарорлар, қонуности ҳуж-жатлари оилалар мустаҳ-камлиги йўлида замин бўлаётир.

Наргиза ОЧИЛОВА, Фузор тумани ФХДБ бўлими инспектори

ОГОҲЛИК-ДАВР ТАЛАБИ

Бугун юртимизда барча ислохот-лар аввало инсон учун, унинг манфа-атлари учун хизмат қилмоқда.

Ўз ҳаётимизнинг хавфсизлиги бу авва-ло ўзимиз учун фойдали бўлиб мамлақати-мизда ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Худди шу борада Ички иш-лар Вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош-қармаси ҳам салмоқли натижаларга эриш-моқда. Бошқарма ходимлари Ҳафтанинг ҳар Чоршанба куни олиб бориладиган профи-лактика тадбирларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар. Хусусан, Қарши шаҳ-ридаги корхона, ташкилот, муассаса ва ҳўжалик ташкилотларининг ёнғинга қарши ҳолати текширилиб, аниқланган камчилик ҳамда нуқсонларни бартараф этиш юзаси-дан доимий тарзда тегишли тавсиялар бе-риб борилмоқда.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйи-

ча тарғибот ишлари уюштирилмоқда, ту-раржойларнинг ёнғинга қарши ҳолати текширувдан ўтказилаяпти. Ўта муҳим объектлар ва халқ ҳўжалиги масканла-ри, мактаб ҳамда бошқа ўқув юртлари ва фуқаролар кўп йиғиладиган жойлар-да кўплаб ёнғин хавфсизлиги бурчакла-ри ташкил этилди. Шу билан бирга, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган эслатма, плакат ва шиорлар тайёрла-ниб, жойларга етказиб берилмоқда.

Бундан тегишли хулоса чиқариш эса барчамизнинг ўз кўлимизда эканлиги-ни унутмайлик.

“Ёнғин хавфсизлиги бўйича ушбу йўналишдаги ишлар янада изчил да-вом эттирилади.

Нурмурод ГАНИЕВ, Шўртан НГҚЧБ БҲТТЭБ П ва НБ мутахассиси, сержант

КАСБ ТАНЛАШДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КЕРАК?

Касб танлаш – ҳар бир инсон ҳаёти-даги энг муҳим танловлардан бири. Касб – нафақат даромад топиш манбаи, бал-ки умрнинг асосий қисми сарфланадиган фаолияти ҳамдир.

Психологлар бундай масъулиятли қарор қабул қилишда фақатгина атрофдагиларнинг тавсиясига таяниш эмас, таҳлилнинг бошқа муқобил вариантларини ҳам қўллашни таклиф қилишади.

Психологик тестлар: Ўзингизда қайси касбга мойиллик ва қизи-қиш юқори эканини психологик тестлар орқа-ли бирламчи босқичда аниқлаб олишингиз мумкин. Фақатгина бунда онлайн платформа-ларда дуч келган тестга эмас, соҳа мутахас-сислари ишлаб чиққан профессионал тестлар-га таяниш керак.

Шуни эсда тутиш керакки, тест натижаля-рига «ҳукм» деб қараш керак эмас. Улар фа-қатгина мойиллик йўналишини белгилаб бе-ради.

Билимларингизни кенгайтиринг: Турли касбий йўналишлар, истиқболли соҳа ва мутахассисликлар тўғрисида билим-ларни мустаҳкамлаш керак.

Ҳар йили ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича китоблар нашр қилиб борилади. Улар-да ҳаттоки мактаб ўқувчиларига таниш бўлма-ган касблар билан ҳам танишиш мумкин. Эҳти-мол, улардан бири сизнинг танловингиз бўли-ши мумкин.

Касблар билан яхшироқ танишиб

Эълон

Қашқадарё вилоят давлат мулки-ни бошқариш ва хусусийлаштириш ҳудудий бошқармаси томонидан Ко-малиев Марс Муттабарович номига 1993 йил 8 апрелда берилган №-12649 рақамли Давлат ордери йўқотилган-лиги сабабли

БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.

чиқинг:

Мактабни битириш арафасида ўспирин кўпин-ча касблар ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўла-ди. Улар танлаган касбларининг фақат ижобий ёки аксинча салбий жиҳатларини кўришади. Бунда ота-оналар фарзандларига кўп нарсаларни аниқ-лаштиришда ёрдам беришлари керак.

9-синфдан бошлаб, аста-секин ўзингиз тан-лаган йўналиш билан танишиш мақсадида институт ва университетлардаги «Очиқ эшиклар» кунларида иштирок этиш мақсадга мувофиқ.

Умумий хулоса қиладиган бўлсак:

– Сизни яқиндан билувчи инсонлар – оила аъзоларингиз, дўстларингиз билан маслаҳатлаш-ган ҳолда, ўзингизга қайси касб кўпроқ мос келиши ҳақида сўраб олишингиз мумкин;

– Оммавий ахборот воситалари янги касб соҳалари ҳақида кўпроқ маълумот олишга ёрдам беради. Махсус манбалар (адабиётлар, онлайн платформалар) талаб юқори бўлган йўналиш-лар ҳақида маълумотлар беради;

– Истакларингиз ва ҳаётдаги мақсадларин-гиздан келиб чиқинг;

– Тўплаган маълумотларингизни чуқур таҳ-лил қилинг. «Ҳаётда менга нима керак?» деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилинг;

– Имконият бўлса, касб танлаш бўйича ма-лакали мутахассис билан маслаҳатлашиш мақ-садга мувофиқ.

Саида ЗИКИРОВА,

Қарши туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг касб-хунарга йўнал-тирувчи психологи

БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.

МАНЗИЛИМИЗ:

Қаршида: 180018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 22-уй, 1-қават.

ТЕЛЕФОН:

+99875 227-50-04

РЕКЛАМА, ОБУНА ВА СОТУВ БЎЛИМИ:

+99890 517-50-05



16+

Нашр индекси - 659. Топширилди: 19.00. Босишга топ-шириш вақти: 21.30. Буюртма № . Ҳажми 2 босма табоқ. Бичими А3. 1 2 3 4 5 6



Маънавий-маърифий, ижтимоий-оммабоп нашр

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузури-даги Ахборот ва оммавий коммуника-циялар агентлиги томонидан 0811 - рақам билан 02.02.2012 йилда рўйхатга олинган.

Газета «**Photo Express**» ИЧҚда оф-сет усулида 150 нусхада чоп этилди. БОСМАХОНА МАНЗИЛИ: Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Бош муҳаррир: Сарвиноз ХУСАИНОВА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Келажақ интернет телерадиокомпанияси

Газета Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатилади.

<http://vohapress.uz>

e-mail: gazeta.voha@mail.ru

Газета ҳафтанинг жума кунлари чоп этилади. Сотувда эркин нархда.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Газетада INTERNET материалларидан фойдаланилди.

Таҳририятга келган қўлёзмаларга жавоб ёзилмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Муассис: «Қашқадарё кўзгуси ОАВ» МЧЖ Газета муассис компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

12 май - Халқаро ҳамширалар куни**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК АЗИЗ
ҲАМШИРАЛАР**

Ушбу сана республикаимиз, хусусан, вилоятимизда ҳам ҳар йили кенг нишонланиб, соҳа ходимларининг меҳнатлари муносиб эътироф этиб келинган. Бир сўз билан айтганда, юрти учун жонини фидо қилгувчи, халқи учун қалқон бўлувчи, ўз қасамёдига содиқ қолиб, шараф билан меҳнат қилиб келаётган ҳамшираларимиз кунни тунга улаб фидокорликлари билан ўзларини намоён этишмоқда.

Энг катта бойлик - халқимиз саломатлиги, деган пурмаъно сўзлар мамлакатимизда фаолият юритаётган, юртдошларига самарали тиббий хизмат кўрсатиб келаётган ҳамширалар учун азалий шиорга айланган.

Азиз ҳамширалар оқ либосли фаришталар! Касб байрамингиз муборак бўлсин. Барчангизга оилавий тинчлик, хотиржамлик, юртимиз равнақи ва халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган фидокорона меҳнатларингизда омад ва зафарлар тилаб қоламан.



*Ҳурмат ва эҳтиром билан, Вилоят «Она ва бола скрининг»
маркази раҳбари Дониёр Турсунов*

**"ХАЛҚАРО ҲАМШИРАЛАР
КУНИ" МУБОРАК БЎЛСИН**

Ҳеч бир тиббиёт муассасаси ҳамширасиз иш тутолмайди. Баъзида ҳамшираларнинг иши оддий ва тушунарли бўлиб кўринадиган, аммо ундай эмас! Улар мураккаб операциялар пайтида ёрдам беришлари керак бўлса ҳам, улар сабрли ва мулоимдирлар. Амалиётнинг натижаси ва кўпинча одам ҳаёти уларнинг ваколатли ва аниқ ҳаракатларига боғлиқ! Исталган вақтда улар беморга ёрдам беришга ва малакали ёрдам кўрсатишга тайёр.

Ҳар йили 12 май Халқаро - ҳамширалар куни сифатида



тида бутун дунёда муносиб нишонланиб, ҳамшираларга алоҳида эҳтиром кўрсатилади. Ҳамширалар куни байрами билан барча қалби оппоқ оқ ҳалатдаги оқ кабутарларни ҳамширалар аталмиш халқ хизматига беминнат бел боғлаган, оппоқ фаришта аскарларни байрам билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Эл олқишидан, халқ хизматидан асло чарчаманг. Йўлингиз либосингиздек оппоқ бўлсин. БАЙРАМ МУБОРАК.

*Юксак эҳтиром ила Болалар стоматология поликлиникаси
раҳбари Қаҳрамон Зиятов*

